



# HURRIYAT

1996-yil dekabrda chiqqa boshlagan

MUSTAQIL GAZETA

## 2 Янгибод: шахти ва химмати баланд одамлар

Хайдовчилар автомобилларига метан газ қуйиш учун 45 км. йўл босиб, Даштобод ёки Зоминга боришга мажбур бўлишяпти. Ҳолбуки, шаҳарча яқинида қурилайтган бундай шохобчани тезроқ ишга тушириш керак бўлади.

## 5 Мен уларни изламадим

Обуна мавсумининг бу йилги "мавҳум" ҳолати кўпчиликни саросимали саволлар гирдобига ташлаб қўйди. Бу жараёнда нафақат газета ёки журналлар муҳаррирлари, балки, почта ва турли шаклдаги тарқатувчиларнинг ҳам боши қотганлиги рост.

## 6 Коррупциядан холи мамлакат

У бой вилоятга камбағал бўлиб келди, камбағал вилоятдан бой бўлиб кетди

Коррупциянинг пайини қирқишга бел боғлаган Сингапурнинг собиқ бош вазири Ли Куан Ю ўзининг қаттиққўллиги билан мамлакатни порахўрлик ботқоғидан олиб чиқа олган шахсдир.

### Халқ билан мулоқот

## Эл-юрт ташвишлари билан яшаш саодати

Қозоққалъа қишлоғида яшовчи Зеваржон Йўлдошева хонадони бир неча йилдан бери тоза ичимлик суви билан таъминланмаганди. Маҳаллий "Сувоқава" ташкилоти муаммонинг ечимини тополмади. Оила соҳибасининг талаблари мутасаддиларнинг эътиборидан четда қолди. Зеваржон опа шу йилнинг 5 октябрида Халқ қабулхонасига борди. 3. Йўлдошевани туман ҳокимининг шахсан ўзи қабул қилди. Ҳоким ва фуқаро ўртасидаги суҳбат амалий натижасини берди.

### Абдулла СОБИРОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Йиллар мобайнида ўз ечимини топиётган муаммо Халқ қабулхонасида ҳал этилди. Туман "Сувоқава" ташкилоти раҳбарига фуқаронинг қонунда белгиланган ҳақ-хуқуқлари доирасида берилган қатъий топшириқ оиланинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш омилига айланди.

3. Йўлдошеванинг адо этилган талаби — йил бошидан буён Халқ қабулхонаси томонидан қаноатлан-тирилган 702 мувожаатнинг бири, холос. Амалий натижадан хонадон аъзолари чексиз қувонганини сўз билан таърифлаш қийин. Энди 702 мувожаатнинг ижобий ҳал этилгани боис аҳолининг давлатимизга қанчалар ишончи ортганини кўз олдингизга келтиравемиз. Хо-

надонларда камчилик ва нуқсонлар барҳам топди, ўрнини тўқинлик, фаровонлик аталмиш тотли неъмат эгаллади. Халқ қабулхонаси жамият аъзоларини до-риломон ҳаёт сари бош-лашдек, эзгу ва савоб иш-ларни амалга ошириб кел-моқда.

Қабулхона томонидан ариза ва шикоятларнинг қаноатлантириш даражаси ўтган ойлар мобайнида 84 фоизга бажарилди. Муқаддам даврда бу кўрсаткич 10 фоизга етмагани на-зарда тутилса, Халқ қабулхонасининг жисмоний ва юридик шахслар ҳақ-хуқуқ-лари, қонуний манфаатла-рини ҳимоя қилиш томон нақадар катта ва салмоқ-ли қадам ташла-гани аён бўлади.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) фотоси

## Бундай имкон қайда бор?

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Қатор-тол кўчасида беш қаватли янги китоб савдо мажмуаси ишга туширилди.

"Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази китоб савдо тизими фаоли-ятини самарали ташкил этиш мақсадида очилган мазкур китоб мажмуасига мамлакатимизнинг етакчи нашриётлари томонидан чоп этилган китоблар жой-

лаштирилди. Шунингдек, бу ерда Россия ва қардош мамлакатлардан келтирил-ган 3 минг номдан зиёд ўзбек, рус, инглиз, немис тилларидаги сара нашр-лар бор. Китобхонлар дўконининг иккинчи қаватидаги ку-

брухонадан ҳамда интер-нет тармоғидан бепул фойдаланишлари мум-кин. Қувонарлиси, китоб мажмуасига боғча ёши-даги ва боғча ёшигача бўлган фарзандлар бил-лан биргаликда борса ҳам бўлади. Пастки қават-даги болалар учун мўл-жалланган бўлим фар-зандларда китобга нис-батан меҳр уйғотишда

ёрдам беради. Бу ерда улар нафақат китоб тан-лашлари ва сотиб олиш-лари, балки махсус аж-ратилган жойларда рангли-безакли китобларни бўяш-лари, шахмат, шашка каби ақлни чархловчи ўйинлар билан машгул бўлишлари мумкин. Мажмуада хорижий тил-лар ёшларга бепул ўрга-тилади. (ЎЗА)

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

### Ўзимизнинг йиғитлар

12 ёшида ота-онаси-дан эрта етим қолгани сабаб болалигининг айни ширин дамларини оғир меҳнатда, рўзгор ташвишида ўтказди.

### Қуш фалсафаси

Порахўрликка қарши кураш: пахта йиғим-терими кампанияси сингари қорлар ёғиб, яна излар босилиб қолаверадими?..

### Кўнгила қуёши

Суманбар билан таниш-ганимга бир ойдан ошди. Шундан буён тинчим бироз йўқолган. Гоҳ ҳаёлимда яшнаб турадиган сиймоси жон-ланади. Гоҳ оёқларим ҳар куни унинг ҳовлиси-га элтадиган йўлга олиб чиқавереди.

### Абсурддаги маъно

Абсурд ҳақида қачон, қаерда, қандай даврда гап кетса, биринчи гал-да, у ҳаётнинг маъни-сизлигини, яшашнинг қизиги йўқлигини тарғиб қилувчи адабий оқим эканлиги таъкидланади.

### Депутат минбари

## Сайловчиларнинг ҳафсаласи пир бўлмасин

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати Шахзод ХУДОЙБЕРДИЕВ билан суҳбат

### Феруза РАҲМОНҚУЛОВА

журналист

— Шахзод, эшитишимча 22 ёшингизда Шўрчи туманидаги "Наврўз" маҳалласи раислигига сайлангансиз. Одатда бундай лавозимга халқи-миз кўпни кўрган, элнинг бошини қовуштира оладиган, тажрибали кишини муносиб кўради. Буни қарангки, халқ бу сафар ёшгана йиғитга суюнишни хошлабди. Хўш, уларнинг ишончини қандай қозона олддингиз?

— Тўғри, бу қутилмаган, кўп-да кузатилавермайдиган ҳолат. Бироқ шу нарса аёнки, бугун одамлар ҳақиқатга, адо-латга ва самимий, рост сўзлайдиган инсонларгагина ишонади. Мен эса буни амал-да исбот этишим мумкинли-гига уларни ишонтира олддим. Минг афсуски, маҳаллала-римиз фаолиятида шу пайт-гача амалда бўлган яшаш тўғрисида маълумотнома бе-ришдан тортиб, ёшга доир нафақа тайинлашгача одам-лардан таъма қилиш буткул

йўқолгани йўқ. Ҳали хануз ак-сарият маҳаллаларда таниш-билиш, ошна-оғайнисига ён босиш ёки таъма звезига хат-хужжат тўғрилаб бериш ҳо-ллари учрамоқда. Мен эса сай-ловолди дастурида бирин-чи навбатда, ана шундай но-ҳақликка чек қўйишга, 25 йил-дан буён охиригача қуриб бит-казилмаган маҳалла биноси-ни ҳомийлар ёрдамида тўлиқ таъмирлашга ваъда бердим. Кўпдан бери ана шу муаммо-га ечим излаб юрган маҳалла ахлига менинг тақлифларим маъқул бўлди.

— Ёш раис сифатида ваъдангизни қай даража-да бажара олддингиз?

— Биринчи навбатда, ёшга доир нафақа ҳамда моддий ёрдамни ҳақсиз ра-вишда олаётган 17 нафар ки-шини рўйхатдан ўчириб таш-ладик.



Сарвар МАМБЕТОВ фотоси

## "Дадиллик тилаймиз!"

Муштарий мутулаа учун газетани қўлга олар экан, қайсидир маънода, ўша нашр ижодкорлари билан мулоқотга киришади. Аммо бунда асосан журналистлар гапирди. Муштарийнинг дилида ҳам ўзи ўқийдиган нашр ижодкорларига айтадиган гаплари бўлади.

Жорий йил ўртасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан энг кўп ўқилаётган газеталар рейтингини тузилган эди. "Hurriyat" ушбу рўйхатда 4-ўринда қайд этилди. Бу газетонларимиз билан бош кутубхонамизда учра-шув ўтказиш учун ўзига хос ба-хона бўлди.

"Hurriyat" жамоаси келганини эшитиб, кутубхонанинг катта-кичик залларини тўлдириб ўтирган китоб-хонларнинг деярли барчаси қиро-атдан тўхтади ва учрашувга йиғил-ди. Бундай эътибордан бошимиз кўкларга етганини таъкид-лагимиз келади.

### Тафсилот

## Журналист касби этикаси: муҳокама давом этмоқда

Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликла-ри олий қадрият ҳисобланган демократик жамиятда сўз ва ахборот эркинлигини таъ-минлаш, мустақил ОАВни ривожлантириш муҳим принциплардан бири ҳисобланади.

### Жобир РАЗЗОҚОВ

Бу борада мамлакатимизда ахборот ва матбуот эркинли-ги ҳамда журналистнинг дах-лиси ҳуқуқи ва мустақил ОАВ фаолиятини ҳимоя қиладиган қатор ҳуқуқий меъёрий ҳуж-жатлар қабул қилинган. Шу-нингдек, умуминсоний қадри-ятлар ва журналистикада юк-сак маънавий стандартлар ва касб этикаси принципларини шакллантириш борасида Ўз-бекистон журналистларининг касб этикаси кодекси лойиҳа-си ишлаб чиқилди. Айни пайтда юртимиз медиа тузил-маларида ушбу кодексни яна-да такомиллаштириш бўйича муҳокамалар давом этмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инно-вацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технология-лари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналист-лари ижодий уюшмаси ҳамкор-лигида "ОАВ соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг самарали усул-лари" мавзусидаги дарава суҳба-тида мазкур кодекс лойиҳаси қизгин муҳокама этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-татлари, ЮНЕСКО, Евро-па Иттифоқининг Ўзбекис-тондаги ваколатхоналари, "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти, Сло-венция, Буюк Британия эл-чихонаси вакиллари, олимлар, ахборот соҳаси мутахассислари, етакчи оммавий ахборот восита-лари ходимлари иштирок этди.

— Ўзбекистондаги бир қатор медиа тузилмалари томонидан журналистлар ва соҳа экспертлари, фу-қаролик институтлари, манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида Ўзбекистон Журналистла-рининг касб этикаси ко-декси лойиҳаси ишлаб чи-қилди, — деди Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси-нинг Инновацион ривож-ланиш, ахборот сиёсати ва ахборот техноло-гиялари масалала-ри қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаев.

# Давлат грантларининг қўшимча танлови

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Гўзал ТУРСУНПҲАТОВА

Ййгилишда Ҳаракатлар стратегияси, "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг жорий йили 4 майдаги "Мамалякати демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳудудларда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг амалий самарадорлигини юксалтириш, халқ депутатлари кенгашиларини доимий ҳамда ижтимоий шериклик комиссиялари фаолиятига услубий кўмак кўрсатиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат органларининг самарали ҳамкорлигини амалга оширишга доир масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, жамоат комиссиялари томонидан давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтиришга доир зарур тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқилмагани қайд этилди. Давлат бошқаруви органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмаларини бериш механизми ҳам самарали фаолият олиб бормаяпти. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудларнинг ижтимоий аҳамиятга молик долзарб муаммоларини ННТлар иштирокида ҳал этишга монелик қилмоқда.

Қорақолпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар кенгашилари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича ташкил этилган доимий фаолият юритувчи комиссияларнинг ишини қонқарли даражада, деб айта олмаيمиз, — деди Парламент комиссияси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гавҳар Алимова. — Хусусан, барча комиссияларга ННТ фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатла-

ри ҳимоясини таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш вазифаси юклатилган. Лекин кўпгина жойларда мазкур жараённинг ҳали бошланмаганига гувоҳ бўлдик.

Шунингдек, ййгилишда 2017 йилда давлат ижтимоий буюртмаси олган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳисоботлари тингланди. Хусусан, Хоразм вилояти Корейс миллий маданият марказига ажратилган давлат ижтимоий буюртмаси ва ҳомийлик маблағлари ҳисобига 2 қаватли "ННТ ва Дўстлик уйи" биноси таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Тадбирда парламент комиссияси аъзолари томонидан ҳудудларда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг институционал ҳамда қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тақдирлар илгари сурилди, ҳудудларда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Бундан ташқари, ййгилишда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, турли спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақаларни ташкил этиш каби ўндан ортиқ йўналишни қамраб олган "Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ошириш, унинг натижаларини ОАВда кенг ёритишни қўллаб-қувватлаш" ҳамда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини ва қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини, уларга доимий фаолият юритувчи комиссияларнинг ишини қонқарли даражада, деб айта олмаимиз, — деди Парламент комиссияси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гавҳар Алимова. — Хусусан, барча комиссияларга ННТ фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатла-



## Замондошларимиз



# Янгиобод: шаҳти ва ҳиммати баланд одамлар

Бир гўша ҳақида минг марта эшитгандан бир марта кўрган, одамлари билан суҳбатлашган, дийдорлашган афзал, дейишади. Фарғоналик, андижонлик олимлар, ёзувчилар, журналистлар, партиялар фаоллари, фидойи ёшлар, таниқли санъаткорлар, сўз усталари, жами икки юз чоғли киши Жиззах вилоятига сафар қилдик.

Мақсад — барча соҳаларда илғор услуб ва тизимлар бўйича фикр алмашиш, ўзаро ҳамкорлик, қишлоқ хўжалик ишлари билан танишиш, ўрганиш — ўргатишдан иборат.

Собиржон ДАДАХҲАЕВ

журналист

Жиззах вилоятида карнай-сурнай садолари остида нон-туз билан меҳмонларни вилоят ҳокими Эргаш Солиев бошчилигида раҳбарлар, фаоллар кутиб олишди. Биз бўлибган ҳолда вилоятнинг 12 туманига йўлга чиқдик. Гуруҳимиз чекига Янгиобод тумани тушди. Вилоят марказидан 120 км. олинда жойлашган бу чегараларда туманга ҳамма ҳам боравермайди, балки номини ҳам эшитиб-эшитмаган.

Жиззах замани... Поёнсиз далалар, даштлар, қирлар, тоғлар, пахта, полиз майдонлари, боғроғлар... Катта асфальт йўлидан бошланган экин майдонларининг адоғи кўринмайди, кўзимизни қамаштиради, олис, кенг, охири йўқдек.

Туман раҳбарлари бизни илиқ қаршилади. — Бу ерларга Искандар Зулқарнайин — Македонский деганларнинг ҳам пойқадами тегган, — дея ҳазиломуз гап қилди туман ҳокими ўринбосари Азизбек Нишоннов йўл ҳовурини олиш мақсадида. — Туманимиз 1999 йил 30 апрелда ташкил топган. Сирдарё вилоятининг Ховос тумани таркибидан ажралиб чиққан. Зомин тумани билан қўшнимиз. Тожикистон Республикаси билан чегарамиз 161 км. Сармич қишлоғидан кейин қўшни давлат қишлоқлари кўзга ташланади. 8 маҳалла фуқаролар ййғини бор. Оилалар сони оз, туманда жами 27,2 минг нафар аҳоли яшайди.

Уйлаб кўринг, Янгиободдан у ёнғига йўл йўқ — чегара. Ортага қайтиб, Жиззах шаҳрига етиб келиш учун яна 120 км. йўл босимиз керак. Келди-кетди, у керак ё бу керак, шаҳарда — вилоят марказида битадиган ишлар бор... Янгиободликларга офаринлар айтгинг келадди, аслида, улар шунга кўникиб, мослашиб кетган. Озчилик бўлгани билан туман ахли иноқ, ахил, меҳнатсевар, танти, одамларининг яшаш тарзи тамомла ўзига хос. Сўзидан, шаштидан қайтмайди.

Туман 72 минг гектар ер майдонига эга. Дашту қирлардан иборат бу лалмикор ерлар обиҳаётга ташна. Хамирдай кўпчилик бўлгани билан туман ахли иноқ, ахил, меҳнатсевар, танти, одамларининг яшаш тарзи тамомла ўзига хос. Сўзидан, шаштидан қайтмайди.

Туман 72 минг гектар ер майдонига эга. Дашту қирлардан иборат бу лалмикор ерлар обиҳаётга ташна. Хамирдай кўпчилик бўлгани билан туман ахли иноқ, ахил, меҳнатсевар, танти, одамларининг яшаш тарзи тамомла ўзига хос. Сўзидан, шаштидан қайтмайди.

умид билан уруғ сочилган уч-тўрт майдондаги арпалар бир-бир ярим қарич ўсиб, ривождан тўхтаган. Комбайн ўроғига етмаганлиги сабабли ўрилмай ётган арпа майдонини кўриб, юрак баттар ачишади. Ҳазрати деҳқон сочган уруғига ҳам, қилган меҳнатига ҳам қуйиб қолганига нима дейсиз.

Туман ахли бундай лалмикор ерларнинг 9 минг гектарига бугдой эккан бўлса-да, кўзланган ҳосил олинмади. Яна ўша гап — сувсизлик. Лекин галлакорлар сув йўқ деб бекор туришгани йўқ. Улар ишлайман, яратаман, яшатаман деган орзу-хаваслар оғушида яшаб келишяпти. "Совот", "Сармич" маҳаллаларига бориш йўлида ток қаламчалари ўтказилган майдонлардаги ишчиларни кўриб, кўнгли орз топади. Янгиободликлар 10 минг гектардан зиёд тоқзорлар яратиш орзусини амалда рўёбга чиқариш пайидалар.

"Сармич" маҳалласида 5254 нафар аҳоли бўлса, асосий юмуши — чорвачилик. Қўй-моли йўқ хонадоннинг ўзи йўқ. Ишонсангиз, 800-1000 бошдан қўйи бор оилаларни санасангиз, бармоғингиз етмайди. Бундай оилаларнинг сони туман бўйича қаралганда ҳам кўпга топилади.

"Хавотог" — мисоли жаннатдек. Мўжазгина бу маскан 50 ўринли. Ўзбекистон Республикаси Қасба уюшмалари федерациясига қарашли. 1300 метр чуқурликдан чиқётган шифобахш сув минг дардга даво.

"Хўжамушкент" маҳалласидаги давлат ўрмон хўжалиги идораси саҳнидаги гуллар маржони одамни ўзига мафтун қилади. Ажойиб манзара... — Энг қизиги, — дейди маҳалла раиси Олимжон Саидмуродов, — бу гулларнинг шудринги минг дардга даво. Бир хўпладан ичинглар...

Рости, хайрон бўлдик. Ахийри, раиснинг ўзи гул шудрингидан ичиб кўрсатди, шундан сўнг кўпчилик бу беназир неъматдан баҳра олди. Меҳмонлар дарагини эшитиб, давлат ўрмон хўжалиги ховлиси бир зумда гавжумлашиб кетди. Аслида бу маҳаллада бор-йўғи 2714 нафар аҳоли яшаркан.

Қишлоқда 3000 гектар пистазор бор. Шу йилнинг ўзида яна 500 гектар майдонга писта дарахтлари ўтказилибди. Пистазорларни парваришлаш, сугориш, айниқса, донна-доналаб писта теришининг ўзи бўлмайди. Қишлоқ ахли бугунги кунда қўшни Зарбдор туманига қорид пахта ҳашарида ёрдам бераётганлигининг гувоҳи бўлдик. 194 на-

фар ҳашарчи теримда қатнашаётган экан.

Тоғлик одамлар чорвачилик, боғ-роғ ишлари билан банд. Билагада куч-ғайрати тошган, тоғма-тоғ, қирма-қир юриб оёқ-қўли толмаган, келбатидан от хурқадиган бу одамларга жиддий разм солсангиз, ранг-рўйи тоза, дили пок, қалби соф... Чунки улар ҳар кун икки кун ора сахармардонда гул шудрингидан бир хўплаш бахтига муяссар бўлади...

Сафар мобайнида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти кенгаши раиси Дилмуроджон Худойшукуров ҳамроҳлигида янгиободлик ёшлар ҳаёти билан танишдик.

ИККИ ЖИХАТГА ТЎХТАЛМОҚЧИМИЗ. БИРИ — ТУМАН МАРКАЗИДА ФАҚАТТИНА "ҚИШЛОҚ-ҚУРИЛИШБАНК" ХИЗМАТ КЎРСАТЯПТИ, ХОЛОС. "АГРОБАНК", "ХАЛҚ БАНКИ" ФИЛИАЛЛАРИ ЭКИ МИНИБАНК ШОХОБАЧАЛАРИНИ ОЧИШ АҲОЛИ УЧУН ЖУДА ЗАРУР. ИККИНЧИСИ — ҲАЙДОВЧИЛАР АВТОМОБИЛЛАРГА МЕТАН ҚУЙИШ УЧУН 45 КМ. ЙЎЛ БОСИБ, ДАШТОБОД ЭКИ ЗОМИНГА БОРИШГА МАЖБУР БЎЛИШЯПТИ. ХОЛБУКИ, ШАҲАРЧА ЯҚИНИДА ҚУРИЛАЁТГАН БУНДАЙ ШОХОБАЧАНИ ТЕЗРОҚ ИШГА ТУШИРИШ КЕРАК БЎЛАДИ.

Туман аҳолисининг 7977 нафарини ёшлар ташкил этади. Улардан 1417 нафари уюшмаган ёшлар. Жорий йил якунида туман марказида ишга тушиши кутилаётган "Баландчакиртекстил" ҳамда цемент ишлаб чиқариш заводида ёшлар бандлиги таъминланади. Шу билан биргаликда туман марказида "Ёшлар — келажикимиз!" Давлат дастури асосида "Ёшлар қоворкинг маркази" фаолияти йўлга қўйилиб, имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Туман ҳокимлиги билан ёшлар ташкилоти ҳамкорлигида юргизилган "Баландчакиртекстил" ҳамда цемент ишлаб чиқариш заводида ёшлар бандлиги таъминланади. Шу билан биргаликда туман марказида "Ёшлар — келажикимиз!" Давлат дастури асосида "Ёшлар қоворкинг маркази" фаолияти йўлга қўйилиб, имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Туман ҳокимлиги билан ёшлар ташкилоти ҳамкорлигида юргизилган "Баландчакиртекстил" ҳамда цемент ишлаб чиқариш заводида ёшлар бандлиги таъминланади. Шу билан биргаликда туман марказида "Ёшлар — келажикимиз!" Давлат дастури асосида "Ёшлар қоворкинг маркази" фаолияти йўлга қўйилиб, имтиёзли кредитлар берилмоқда.

"Совот" маҳалласи Зомин туманига қўшни ҳудудда жойлашган. Туман ҳокимининг ўринбосари Азизжон Нишонновнинг айтишича, бу ерда ёши улуглар кўп. Улуглар, нурунийлар кўп бўлган жойда барака, хайр бор, ахил-иноқ-

лик ҳукмрон. Маҳалла раиси Ҳаммажон Ҳаммамов, нозир Собиржон Ниезов қишлоқ ҳаёти, одамлар ўй-ташвишлари ҳақида тўлқинлиб сўзлайди.

Қишлоқ Хўжамушкент ота зиёратгоҳидан оқиб келадиган 360 булоқ сувидан баҳраманд. 10 минг гектар ер бўлса, шундан 1220 гектари чорва учун ажратилган. Сув етарли бўлмаганлиги сабабли 800 гектар майдонга экилган бугдойдан атиги 300 тонна ҳосил қўтарилди. Аммо ҳаракат, интилиш катта. Шу йилнинг ўзида 150 гектар майдонда тоқзор яратилган. 42 фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш билан банд. Салимжон Эсонов, Элёржон Асроров, Каримжон Эсонов каби оила бошлиқлари хонадонларида 300-500 бошдан қўй боқиладиган давлат мамну бўлдик.

Совотликлар 192 одамдан иборат гуруҳ тузиб, 90 км. узоқда жойлашган Зарбдор тумани пахтакорларига ёрдам беришяпти. Ўзлари пахта экмаса-да, қўшни туманларга ёрдамга чиқишмоқда.

— Баттачиллик бойлик, даромад кўп, — дейди Абдуғаффор ҳожи ота Норбеков. — Сув, шароит йўқлиги сабабли Янгиобод, Фаллаорол, Зомин, Фориш туманларида пахта экилмайди. Шу сабабдан ҳам биз вилоятимиз пахта ҳашарида иштирок этаимиз.

Абдуғаффор ҳожи ота суҳбат сўнгида астойдил илтифот қилиб қолдилар:

— Бу йил муборак ҳаж фарзини адо этиб келдим, уйга борайлик, яхши одамларга атаб "Замзам" сувидан олиб қўйганман...

Туман маркази мўжазгина. Чиройли, кўркем, файзли. Қад кўтарган бинолар шаҳарча хусусига хусн қўшиб турибди. Халқ қабулхонаси, туман адлия бўлими, "Қишлоққурилишбанк" бўлими, бандликка қўмаклашиш туман маркази, 19-болалар мусика ва санъат мактаби, "Баркамол авлод" болалар маркази ва бошқа хизмат кўрсатувчи бинолар шаҳарча хусусига ҳолдек ярашган.

"Баландчакиртекстил" корхонаси ишга тушиш арафасида. Бу ерда 150 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Замонавий турар жой бинолари тобора кўпайиб бормоқда. Сервис, маданий-маиший шохобчалар қурилиши ҳам кун тартибда. Туманда ўтказилган "Ташаббус-2018" кўриқ-танловда 62 нафар тадбиркор ўз кўрсатмаларини намойиш этгани ҳам буни тасдиқлайди.

Кези келганда, икки жихатга тўхталмоқчимиз. Бир — туман марказида фақатгина "Қишлоққурилишбанк" хизмат кўрсатяпти, холос. "Агробанк", "Халқ банки" филиаллари эки минибанк шохобчаларини очиб аҳоли учун жуда зарур. Иккинчиси — ҳайдовчилар автомобилларига метан газ қуйиш учун 45 км. йўл босиб, Даштобод эки Зоминга боришга мажбур бўлишяпти. Холбуки, шаҳарча яқинида қурилаётган бундай шохобчани тезроқ ишга тушириш керак бўлади. Бу масалаларда Жиззах вилоятидаги дахлдор мутасаддилар янгиободликларга амалий ёрдам берсалар, яхши бўлади.

Жиззахдан қайтиш бизга ҳам осон бўлмади. Меҳр, дийдор, юракдан қилинган суҳбатлар дилимизни пайванд қилиб қўйган экан. "Юракдан чиққан сўз юракка етиб боради", "Дўст билан обод уйинг" деган гаплар бежиз айтилмаганига яна бир бор амин бўлдик.

Салкам 700 км. йўл босиб, Жиззахликларнинг хонадонларида, тўйларида, даласида, меҳнат жамоаларида ҳамсуҳбат бўлишимиз ўзи ҳам бир инсонийлик, ўзбекиона урф-одат. Борди-келди бўлса қандай яхши!

Жиззах заманига келганимиздаёқ ардоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон қаламига мансуб ўтмиш сатрлар дилимизга жо бўлганди:

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди менда.  
Чаппар урим гуллаган боғин  
Улар эдим Ватан тупроғин...  
Ушбу қасиданинг охириги сатрлари ҳам юракларни бирдай жижиллатади:  
Меҳр қўйиб ўпган сари оқ,  
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ.  
Жиззахликлар азиз тупроқни оқ ювиб-оқ тарашигани боис, осмондан пахта хирмонларини бунёд этишяпти. Халқимиз дастурхонига тилни ёрар қовун-тарвулар, шарбаттомар мева-чевалар, узум, сабзавотлар ҳада этишяпти. Бобоқўёш уфққа бош қўётган чоғда Жиззахдан қайдик. Бугунги кундан қаноат ҳосил қилиб, эртанинг ўй-ташвишлари билан яшаётган юрт фидойилари билан самимий хайрлашдик...

Фаргона — Тошкент — Жиззах — Фаргона

# "Дадиллик тилаймиз!"

Мулоқот чоғида аён бўлдики, ростдан ҳам муштарийларнинг газета ижодкорларига айтидиган дил сўзлари — истаклари, тақдирлари ва эътирозлари кўп экан. Бунга Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси Жаҳонгир Абдуллаевнинг фикрлари ёрқин мисол:

— "Hurriyat"ни мунтазам ўқиб бораман, — дейди у. — "Нуктаи назар", "Инсон манзаралари", "Тарих сабоқлари", "Хориж тажрибаси" каби бетакорор руждаларда эълон қилинаётган мақолалар менга, айниқса, жуда ёқадди. Масалан, шу кунларда "Гўшанининг миллионлари: афсонами, ҳақиқат?" турқум мақолаларини синчиклаб ўқияман. У Ватанимиз мустақиллигининг мислсиз шараф эканлигини аниқлаш баробарида, халқимизнинг ўз қадрини биладан тутишга ўрганиши доимо долзарблигини кўрсатади. Айни пайтда, "Hurriyat" янада дадилроқ, ўқиш-лироқ ва ҳозиржавоброқ бўлишини истардим. Ёшлар мавзусига эътиборни кучайтирсан.

— "Hurriyat"да дадиллик етишмайди, — дейди қибрайлик қурувчи Жўрабек Холбеков. — Аслини олганда, бу барча газеталаримизга хос. Холислик билан эзилган дадил материаллар ўқишни истаймиз газетангиз саҳифаларида.

# Эл-юрт ташвишлари билан яшаш саодати

Шуни ҳам айтиш керакки, олинган 830 мурожаатнинг 688 таси бевосита қабулхонанинг ўзида кўриб чиқилди.

Эндиликда одамлар арзи додини айтиш учун масъул шахсларни излаб, юқори даргоҳларга бош уриб боришмайди, балки яшаб турган жойида ечимини топиш имкони бор.

Шунингдек, мутасаддилар одамларнинг дарду ташвишини эшитиш ва ҳал этиш учун уларнинг ҳузурига боришарди. Ўзини ўзгалардан узоқ туттиш, қабулни пайсалга солиш, менсимаслик, келувчиларга кунлар, ҳафталар мобайнида кўриниш бермаслик каби нохушликлар барҳам топди.

Халқ қабулхонаси ўтган даврда фақатгина мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишни эмас, балки уларни ҳудудлар, соҳа ва йўналишлар бўйича туркумлаш, таҳлил ва тадқиқ этиш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, бартараф этиш, эътиборни ариза ва шикоятлар кўпроқ келиб тушаётган жойларга қаратиш асосида иш юритмоқда. Тумандаги "Наврўз", Махтумқули, Бўйрачи маҳаллалари фуқароларидан олинган ариза ва шикоятлар, қолган ҳудудларга нисбатан, юқорилик бўис, аҳоли турмуши, юзага келган муаммолар, оғриқли нукталарга нисбатан маҳалла мутасаддиларининг лоқайд иш юритганига алоҳида эътибор қаратилди. Халқ қабулхонасида қайд қилинган мурожаатларнинг 125 таси уй-жой ва ер участкалари, 57 таси бандлик муаммолари, 79 таси моддий ёрдамга бориб тақалади. 80 мурожаат эса суд-ижро, соғлиқни сақлаш, табиий газ ва электр энергияси, сув таъминоти, йўл қурилиши, алимент тўловлари соҳасидаги хато ва камчиликлар, қонун бузилиши ҳолатларига тааллуқлидир.

Мурожаатлардан аён бўлишича, туманда пенсия, нафақа, иссиқлик таъминоти, кредитлаш масалаларида ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Ўз фаолиятини эндигина



У.А. фотоси

бошлаган давлат хизматлари бўғинининг эътирозга нишон бўлгани, айниқса, ачинарлидир. Натижалар шуни кўрсатадики, жамият турмуши давлат ва бошқарув идоралари, ҳуқуқ тартиботи органларининг халқ оmmasига яқинлашуви, уларнинг дарду ташвишини баҳам кўриши туфайлигина фаровонликка юз тутди. Давлат ва бошқарув органларида фуқаролар ва юридик шахслар, жумладан, тadbиркорларни бевосита қабул қилиш, талаб, тақлиф ва сўровларни ўрганиш ҳамда қондириш билан бир қаторда, электрон алоқа тизими орқали ҳаракатга келтириш, сайёр қабуллар уюштириш давлат ва халқ вакилларининг яқинлашувини таъминлайди.

Фуқаро Э.Жабборовнинг йўл ёпиб қўйилгани боис транспорт қатнови тўхтаб қолгани ҳақидаги шикоятни ўрганилгач, асосли эканлиги аниқланди, қаноатлантириш чоралари кўрилди. Хозирда мазкур ҳудуд бўйлаб транспорт қатнови қайта йўлга қўйилди.

Туманинг Тўқманғит маҳалласида яшовчи Гулора Бобожонованинг ўз хусусий турар жойига дахлдор ҳужжатларни расмийлаштириш, "Ботирлар" маҳалласи фуқароси Бахтиёр Қутлимуродовнинг маҳалладаги камқувват электр трансформаторини янги ва қувватлисига алмаштириш, "Тупроққалъа" маҳалласидан Олим Отахоновнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатишга доир мурожаатлари ҳал этилди. Ҳудудлар бўйича сектор раҳбарлари томонидан, Халқ қабулхонаси ташаббусига асосан, жойларга чиқиб, сайёр ҳолда уюштирилган оммавий қабулларнинг ўзидаёқ таъминлангани эътиборга моликдир.

Ариза ва шикоятларнинг кимга дахлдорлиги долзарб аҳамият касб этади. Олинган ариза, шикоятларнинг 60 таси ўрганиб чиқиш ва ҳал этиш учун тегишли идораларга юборилди.

Мазкур йилда Халқ қабулхонасига мурожаат қилган ногиронлиги бор ва меҳнатга лаёқати чек-

ланган 18 нафар фуқаро арзон нархли намунали уй-жойлар билан таъминланди. Харажати мамлакатимиз Президенти томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланди. Шу билан бирга, мадада муҳтож 25 нафар фуқаронинг уй-жойи текинга таъмирлаб берилди, 70 нафар фуқарога эса янги газ плиталари бепул тарқатилди.

— Олижанобликнинг бундай намунаси беиз қолаётгани йўқ. Омма қалби шукроналик, миннатдорлик, халқ, давлат, жамият ишига садоқат, камарбасталик туйғуларига лиммо-лим тўлаётди, — дейди Ўзбекистон Президентининг Хоразм вилояти Шовот туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Ҳасанбой Муҳаммадзонов. — Халқ қабулхонаси ўзаро алоқа риштасини мустаҳкамлаш, янада чамбарчас боғлаш энг муҳим ва масъулиятли вазифа эканлигини назарда тутиб, келгуси вазифалар, режа ва дастурларни саботматонат билан адо этишга астойдил интиломоқда.

# Сайловчиларнинг ҳафсаласи пир бўлмасин

Ушбу маблагнинг фақат ҳақиқий эгалари, кўмакка муҳтож оилалар олишини таъминладик. Маҳаллага бирор бир ҳужжат, маълумотнома сўраб келган фуқародан "бланка учун пул ёки қўл ҳақи" олишни, таъма эвазига бирор иш бериб беришни батамом йўқотдик. Энг асосийси, бир ой ичида "Наврўз" маҳалласи биносини ҳомий топиб, тўлиқ қуриб битказдик. Нотинч оилалар билан алоҳида ишлашни йўлга қўйдик. Бунда бизга маҳалладаги кексаларнинг кўмаги асосдир. Умуман олганда, маҳалладаги барча оилаларнинг аҳолидан хабардор бўлиш, кўмакка муҳтожларни эътибордан четда қолдирмасликка, тadbирлар ва оммавий ҳашарлар уюштириб, кўни-кўшилларнинг аҳил яшашлари учун астойдил ҳаракат қилдик.

— Қисқа вақт ичида маҳалла аҳлининг кўнглидан жой олиб улгурганимиз маълум. Аммо бугун талаба бўлишинизга қарамай, бир эмас 14 маҳаллани ўзида жамлаган 41-Ободон сайлов округи депутатисиз. Ҳўш, Шўрчи туманидаги шунча маҳалла аҳлининг вакили сифатида уларга қанчалик нафиз тегаяпти?

— Аини пайтда Термиз давлат университетининг архитектура ва қурилиш

факультети 3-курс талабасиман. Таҳсил олиш билан бирга дам олиш кунлари, байрамларда менга бириктирилган маҳаллаларга бориб, аҳоли билан суҳбатлар, тadbирлар уюштираман. Навбати билан ҳар ҳафта битта маҳаллага бориш, аҳолининг муаммоларини ўрганиш бўйича ўзимга режа тузиб олганман. Айниқса, байрамларда албатта, кексаларнинг, кўмакка муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олишга, мактаб ўқувчиларига китоб улашишга ҳаракат қиламан. Бундан ташқари, кредит олиб тadbиркорлик қилиш ё иссиқхона қуриш нияти борларга амалий ёрдам бердик. Жумладан, "Ойнақўл" маҳалласи фуқароси Рашид Шаймардоновга "Қишлоқ қурилиш банки"дан 17 миллион сўм кредит ажратилишига кўмаклашдик.

— Охири марта округингиздаги қайси маҳалла фуқароларининг муаммосини ўрганиб, бу бўйича депутатлик сўрови юбордингиз? — "Зарбдор" ва "Катта совор" маҳаллалари фуқаролари газ баллонли олиб беришда амалий ёрдам сўрашганди. Истаклари қондирилди. Бундан ташқари, "Зарбдор" маҳалласидаги 24-умумтаълим мактабида бундан бир-ича йил аввал бошланғич синфларга давлат дастури асосида 150 ўринли қўшимча бино қурилиши керак эди. Аммо 150 ўринли эмас, 70

ўринли бино барпо этилган. Шу сабабли ўқувчиларга синфхоналар етишмайди. Ушбу муаммо юзасидан Шўрчи туман ҳокимлигига депутатлик сўрови юбордим ва қолган 80 ўринли бино 2019 йилдаги давлат дастурига киритилиши ҳақидаги жавобни олдим.

— Депутатлик сўровингизга келаятган жавоблар сизни қониқтиряптими? — Фаолиятим давомида маҳаллий ҳокимият органларига 40 мартаба депутатлик сўрови юбордим. Бироқ уларнинг ўнтаси ўз ечимини топди, холос. Очигини айтсам, халқ орасида депутатлар фаолияти ҳақида бироз салбий, танқидий фикрлар юради. Аммо бугун ўзим шу фаолиятнинг ичига кирганимдан сўнггина англаяпманки, муаммоларнинг ечим топиши биргина депутатнинг ўзига боғлиқ эмас экан. Шунданми, бугун депутатлик фаолиятимдан кўнглим тўляпти, деб айта олмайдим. Чунки бирда сўровларимизга жавоб келса, кейинги гал улар эътиборсиз қолиб кетади. Масаласи ҳал бўлмаганларнинг эса ҳафсаласи пир бўлиб қолаверади. Баъзан шу ҳолга тушган одамларни кўриб, ёрдам бера олмаётганимдан қийналаман. Балки депутатларнинг ваколат доирасини кенгайтирган маъқулдир.

Кейин сўровларни юбо-

ришда ҳали ҳам эскича усулда, яъни хат билан мурожаат қиламиз. Агар сўровларни электрон усулда йўлласак, анчагина вақтимиз тежаларди.

— Ўтган йили 30 июнда бўлиб ўтган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойида сизнинг сўз олиб, дадил фикрларини айтганингиз кўпчилиكنинг эътиборини тортган эди... — Очиги, Президентимизни кўрсам, гайратим ичимга сиғмай кетади. Анчадан буён юрагимга тугиб юрган гапларимни, таклифларимни айтмасам, кейин ўзимни қойиб юрман. Шунинг учун сўз олиб, аввало, юртдаги ўзгаришлар, ёшларга сўрилган беқиёс имкониятлар учун миннатдорлик билдирдим. Сўнгра биз, ёшлар белимизни маҳкам боғлаб, шундай йўлбошчининг йўлидан дадил боражагимизни айтдим.

— Қандай адабиётларни севиб мутлола қиласиз? — Аслида университетда автомобиль йўллари ва аэродромлар йўналиши бўйича таҳсил олаётган бўлсам-да, сиёсатшуносликка қизиқаман. Шунинг учунми, сиёсий йўналишдаги адабиётларни кўпроқ ўқийман. Аммо бадиий адабиётнинг ўрни бўлачқ.

— Келажақдаги режаларингиз... — Университетни таъмоллағач, сиёсатшунослик йўналиши бўйича таҳсил олмакчимман. Ундан сўнг, қаерда ишламайин, аввал тахриба орттираман.



Ушбу қўш — 2, 3-саҳифалар материаллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган "Харажатлар стратегияси — юқолиш стратегияси" номили лойиҳа асосида чоп этилмоқда. (С/14)



— Аслида университетда автомобиль йўллари ва аэродромлар йўналиши бўйича таҳсил олаётган бўлсам-да, сиёсатшуносликка қизиқаман. Шунинг учунми, сиёсий йўналишдаги адабиётларни кўпроқ ўқийман. Аммо бадиий адабиётнинг ўрни бўлачқ.

— Келажақдаги режаларингиз... — Университетни таъмоллағач, сиёсатшунослик йўналиши бўйича таҳсил олмакчимман. Ундан сўнг, қаерда ишламайин, аввал тахриба орттираман.

## Қадриятларимиз

Юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ўзига хос аъналарни, урф-одат ва маросимларга эга. Бугунги ҳашаматли тўйлардан фарқли ўлароқ, илгариги "Қиз оши", "Қиз оқшоми", "Келин тушди" каби никоҳ маросимлари, халқ сайиллари ва оммавий томошаларни йигит-қизларнинг лапар ва ўлан айтишувларисиз тасаввур қилиб бўлмасди. Халқ бадиий тафаккурининг гоят қадимийлиги ва бадиҳагўйлик иқтидорининг бетақдорлигини кўрсатувчи мазкур жанрлар ҳар қандай одамни ўзига махлиё этади.

## Ўлмас наволар

Аброр МЕЛИБОЕВ

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлими бошлиғи

Фаргона водийи, Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг тоғли ҳамда тоғолди қишлоқларида кенг тарқалган аънавий ўлан ижрочилиги намуналари бугун Оҳангарон, Зомин ва Форш туманлари, Наманган вилоятининг Косонсой, Чуст, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Поп туманларида сақланиб қолган ва ҳануз жонли ижрода қўланиб келинади. Лапарлар ҳам худди шундай. Бироқ лапар ва ўлан ижрочиларининг сафи анча торайган. Шу боис ушбу жанрлар ривожига эътибор гоят муҳим.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази томонидан ташкил этилган "Лапар ва ўлан санъати: тадқиқот, муҳофаза, тарғибот" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда аини шу масалалар юзасидан кенг фикр юритилди.

Анжуманда фольклоршунос олимлар билан бирга номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича худуд-

айтилиш жиҳатдан ўланга ўхшаса-да, гоёвий-бадиий хусусиятлари, тасвир объекти, қўйланган ҳаёт тарзи, образли фикр юритиш даражаси билан тубдан фарқ қилади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшоода Отабоева. — Лапарларда кўпинча, ҳазил-мутойиба, пичинг, қочирик, ноз-қарашма, хушчақчақлик, изтироб каби ҳис-туйғулар ўз аксини топади. Лапарлар таниқли санъаткорлар томонидан асосан келин бўлиб узатилаётган қизнинг уйда ўтказиладиган "Қиз оқшоми" деб аталувчи базиларда ижро этилади. Ўзим ҳам уларда бевосита иштирок этиб, "Гулёр", "Лолахон", "Қилпиллама", "Билақузуқ", "Қора соч", "Ойижон" каби лапарларни севиб ижро этганман. Улар нафақат халқимиз, балки хорижий мухлислар томонидан ҳам қизиқиш билан тингланарди, бирга қўйланарди.

Лапарлар, асосан аёл хонандалар томонидан ижро этилса, ўланлар эркак ва аёллар томонидан доира жүрлигида ижро этилади. Ўланда халқнинг



ларда фаолият юритаётган масъуллар, ижрочилар, ўқитувчи ва талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Лапар ва ўлан ижрочилиги инсон руҳиятидаги эзгу гоёлар, гўзал феъл-атларни оҳанглар воситасида образли акс эттирибгина қолмай, халқ ижоди-

нинг нақадар нафосатга бой эканини ҳам кўрсатади, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. — Афсуски, мана шундай гўзал жанрни ўрганиш ва ижро этиш қўламини тобора торайиб бормоқда. Байрамлар, фестиваллар, танловлару тўй ҳашамларда ҳам лапар ва ўланларга тобора камроқ мурожаат қилинмоқда. Натижанда ёшларимиз орасида ушбу жанрга бўлган қизиқиш анча сусайгани сезилаёттир. Бу борадаги муаммоларни илмий ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида олим мутахассислар, ижрочилар ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришимиз, фольклоршуносларимиз билан ёшларнинг очик фикр алмашишлари учун кенгроқ ва самаралироқ ижодий муҳит яратиб беришимиз зарур.

Дарҳақиқат, лапар айтиб, элда ҳурмат ва эътибор қозонган, ушбу жанрни ҳаётининг мазмунига айлантирган машҳур ижодкорларнинг издошлари камлиги ачинарли ҳол, албатта. Ўланчилик жанрида ижод қилаётган фойдйлар ҳам бўлмақ билан санарли.

— Асосан, тўртликлардан ташкил топган, диалог шаклида қўйланувчи лапарлар

орзу-умидлари, маъсулиги ва шодлиги қўйлиниб, ишқмуҳаббат мавзуси асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, халқ орасида ҳажвий йўналишдаги, тўй маросимларига хос ўланлар ҳам кенг тарқалган.

— Анжуман очик мулоқот асосида ўринли фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тасвияларга бой бўлди, — дейди Ангрэн шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадиий раҳбари Кимёхон Қосимжонов. — Ўлмас қадриятларимиз, лапар ва ўлан каби фольклор жанрларимизнинг янада тараққий этиши учун бундай анжуманлар ниҳоятда зарур. Биз ҳам бу борада ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Анжуманнинг бадиий қисмида "Чотқол наволари", "Эъзоз" фольклор-этнографик жамоалари билан биргаликда ўлмас наволаримиздан намуналар қўйладик.

Аини кунларда Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази томонидан зарур қўланмалар яратиш, ўқув-семинарларни, анжуманлар ва бошқа тadbирлар ташкил этиш, Наврўз байрами учун лапар ва ўланчиларнинг алоҳида дастурларини тайёрлаш, бу сержило санъатдан халқимизни янада кўпроқ баҳараманд этиш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Тўртликларга жо бўлган, бир-биридан гўзал оҳанглар, айтишувлар, шўх-шодон рақслар билан бирга ижро этилувчи лапар ва ўлан каби умрбоқий қадриятларимизни келажақ авлодга беэвол етказиш катта ташаббус ва тарғиботни талаб этади.



## Журналист касби этикаси: муҳокама давом этмоқда

1

— Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилик, миллий менталитет ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар, хусусан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Халқаро журналистикада профессионал этика тамойиллари, Халқаро журналист ахлоқи тамойиллари декларацияси каби ҳужжатлардаги асосий тамойиллар инобатга олинган. Мазкур ҳужжатдан журналистлар профессионал мажбуриятларини бажаришда риоя қилиши керак бўлган асосий ахлоқий-этик йўналишлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очик ва ошкоралигини таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини рўйбога чиқаришда ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларига риоя этиш, аҳолининг дунёқарашини кенгайтиришда журналистикадаги касб этикасига оид юксак ахлоқ стандартлари ва тамойилларини таъминлашда журналистларнинг роли ва аҳамияти кенг ўрин олинган.

— Шиддат билан ўзгариб бораётган, ахборот асри ҳисобланган бугунги замонда, журналистика ҳам тобора мураккаблашиб ва айна пайтда демократлашиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир журналистнинг ўзини ўзи идора қилишини тақозо этади, бунинг энг тўғри йўли оммавий ахборот воситаларида одоб-ахлоқ стандартларига риоя қилишдир. — деди Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов. — Демак, журналистларнинг касб этикаси кодексини қабул қилишининг касбимизнинг ўзи талаб қила-

ди. Ҳозир дунёнинг ривожланган мамлакатларида журналистларнинг профессионал одоб-ахлоқига оид кодекслар мавжуд. Уларнинг барчаси ҳаммаимиз учун муҳим бўлган принцип ва қоидаларни такрорлайди. Моҳиятан, барчамиз учун асосий талаб ягона — ҳаққонийлик ва ҳолислик. Шу ўринда журналистик фаолият этикаси — юридик меъёр эмаслигини алоҳида қайд этиш лозим. У медиамўҳитда қабул қилинадиган ва жамоатчилик фикри билан қўллаб-қувватланадиган маънавий-ахлоқий йўл-йўриқ, Эро, этика — маънавият ва ахлоқ тўғрисидаги фан. Яъни, тўғри яшаш учун инсон ўзини қандай тутиши керак? Ўзбекистон Журналистларнинг касб этикаси кодексини қабул қилиш масаласи журналистлар ҳамжамиятида, миллий медиа муҳитда кун тартибига чиққанига анча вақт бўлди. Кодекснинг қабул қилиниши бугунги кунда барча оммавий ахборот воситалари иши учун жуда муҳим, бу дунё амалиётида тасдиқланган.

Кодекс лойиҳасида журналист жамияти олдидаги касбий мажбуриятини тўлақонли тушуниб етиши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий масалаларни ёритишда ҳолислик тамойилига риоя этиши, ҳаёт ҳақиқатларини ҳаққоний ва ҳолисона акс эттириши, ҳолис ёндашув ва нейтрал позициядан келиб чиқиб, одамларни таъшивлантираётган ҳолатларни жамоат муҳокамасига олиб чиқиши ва республикамиз миллий манфаатлари, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат ва муҳофаза қилиши, мамлакатда ички сиёсий барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик, конфессия-

лараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш йўлида ҳаракат қилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, журналист ўз фаолиятининг асосий тамойиллари, яъни касбий бурчни бажаришда ҳолислик, адолат ва бетаарафлик тамойилларига қатъий амал қилиши, ахборот олишининг ноқонуний йўлларида фойдаланмаслиги, ёлгон маълумотларни чоп этмаслиги, воқеаларни ўзгартирмаслиги ёки жамият учун муҳим ахборотни яширмаслиги лозим.

— Ушбу лойиҳа анча йилдан бунён муҳокама этиб келинмоқда, — деди таниқли журналист Уршид Дўстмуҳаммад. — Лойиҳада жузвий камчиликлар бор. Назаримда, журналист этикаси кодексини миллий анъаналаримизга мос равишда такомиллаштириш керак. Фарб дунёсидаги, масалан француз журналистларининг дунёқарашини ва кадрларини ўзбек журналистиканикидан тубдан фарқ қилади. Европа ОАВ ходимлари ўз менталитети асосида иш қўради ва уларга амал қилади. Уларнинг одоб-ахлоқ меъёрлари бизнинг одатларга доимо мувофиқ келмайдими. Шунинг учун кодексга ана шу мезонлар асосида қарасак, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Ўзбекистонда журналистлар фаолияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир неча қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Шунинг учун Журналистнинг касб этикаси кодексини бундай катта ҳажмда бўлишига зарурат йўқ, — дейди, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири ўринбосари Жамолддин Тўхташев. — Агар дунё таърибасига мурожаат қилганимиз бўлсак, бундай ҳужжатлар жуда лўнда тузилганини кўришимиз мумкин. Масалан, лойиҳада айтиб ўтилган Журна-

листлар одоб-ахлоқ халқаро принциплари (ЮНЕСКО, 1983 йил) бор йўғи 10 принципни ўз ичига олган. Жами 950 сўздан иборат. Россия журналистлар конгресси томонидан 1994 йилда қабул қилинган касб этикаси кодексини 9 принципни ўз ичига олган ва тахминан 800 сўздан иборат. Ўзбекистон Журналистлари касб этикаси кодексининг тақлиф этилган лойиҳаси эса преамбуладан ташқари 8 бўлимдан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири 4-5 банддан иборат. Фикримча, журналистнинг касб этикаси кодексини журналист ўз фаолиятида амал қилиши лозим бўлган энг муҳим ўнча ахлоқий тамойилдан иборат бўлиши керак. Бу ҳужжат юрдиқ қўғга эга бўлмайди. Бу тамойилларни ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир журналист ёдда тутиши ва доимо риоя қилиши керак.

Шунингдек, анжуманда ЮНЕСКО, Европа Иттифоқининг Тошкентдаги ваколатхонаси, "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти (Словения) вакиллари халқаро ва хориж амалиётида журналистларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масаласида ўз тақлиф ва таъшиларини билдиришди.

Давра суҳбатиде иштирокчилар томонидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар умумлашмаси сифатида жорий йил сўнггига қадар мамлакатимиздаги журналистлар ва ОАВ билан, етакчи ОАВ вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда журналистлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Журналистлари касб этикаси кодексини қабул қилиш ва ушбу қоидаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиб боруви махсус Жамоатчилик кенгашини шакллантиришга келишиб олинди.

## Халқлар аро кўприк

Кеча Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат консерваторияси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган V Халқаро симфоник мусика фестивали бошланди.

Ҳолида ФАЙЗИЕВА

"Hurriyat" муҳбири



Унда ўндан ортик хорижий мамлакат вакиллари — нуфузли композиторлар, дирижёр ва санъатшунослар иштирок этмоқда. Дастур доирасида Ўзбекистон ва жон композиторларнинг симфоник, камер чолғу мусикаси, халқ чолғулари оркестри учун яратилган асарлардан концертлар бўлиб ўтади. Чет эллик композиторлар — До Хонг Куан (Вьетнам), Рашид Калимуллин (Россия), Андриан Петут (Австралия), мусикашунос Хуршед Низомов (Тожикистон) билан ижодий улашув ва маҳорат дарслари ўтказилиши кўзда тутилган. Фестивалга бир неча мамлакат композиторлар уюшмалари ва ассоциациялари раҳбарлари тақлиф этилган. Чет эллардаги нодавлат нотихорат ташкилотлар билан ижодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттиш ва мустақамлаш мақсадида ҳамкорлик меморандуми имзоланади. Унга биноан ҳар икки томонда дўстлик учрашувлари, фестиваллар ва концертлар, симпозиум ва конференцияларни мунтазам ўтказиш йўлга қўйилади. Халқлар маданиятини ўрганиш асосида композиторлик ижодийетини янада такомиллаштириш, замонавий услублар билан яқиндан танишиш, мусика тарғиботи ва ташвиқоти ишларини жадал ривожлантириш кутилмоқда.

— Мусика бизни бир мақсад йўлида бириштириди, — дейди вьетнамлик меймон До Хонг Куан. — Ушбу фестиваль фақат мусика байрами эмас, дўстлик байрами ҳамдир. У бундан кейинги ютукларимиз гарови бўлишига ишонаман. Бизни шундай нуфузли тадбирга тақлиф этган ташкилотчилар ва уларга раҳнамолик қилаётган мамлакатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Эслатиш жоизки, Халқаро симфоник мусика фестивали 1998 йилдан бунён ўтказилиб келинади. Мазкур тадбирлар самараси ўларок, мамлакатимизда чет эллик таниқли композиторларнинг асарлари етакчи дирижёрлар раҳбарлигида тарғиб этилди. Ўзбекистон композиторларининг сара асарлари жон миқёсида тарғиб қилинди. V Халқаро симфоник мусика фестивали концерт дастурларидан ўрин олган асарларни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Давлат академик халқ чолғулари оркестри, "Сугдиёна" халқ чолғулари камер оркестри, "Omnibus" ансамбли жамолари ҳамда етакчи хонанда ва созандалар, халқаро ва республика кўриктанловлари голиблари ижро этади.

— Фестивалнинг уюшмасида фаолиятга 80 йил тўлиши арафасида ўтказилаётгани ҳам биз ижодкорлар учун муҳим рамзий маънога эга, — дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Мамлакатимиз маданий ҳаётида халқаро аҳамиятга молик бундай йирик тадбирнинг ўтказилиши давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мусика ва санъат соҳасини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари мевадидир. Хорижий меҳмонлар ҳам бунга қайта-қайта таъкидлашмоқда.

Дарвоқе, бундан анча йил аввал мамлакатимизда бўлган россиялик меймон Рашид Калимуллин (суратда) ўз таасуротларини ўртоқлашаркан, шундай дейди: — Бу галги сафарим чоғида халқингиз янада меҳмондўст, Тошкент янада ёрқинроқ бўлиб кўринди кўзимга. Уюшма биносидаги ўзгаришлардан кўзим қувонди. Эндиларда бу масканда юқори даражадаги халқаро фестиваллар ўтказилиши учун қўлай имконият бор. Фестивалга таширф буюрган барча давлатлар вакиллари билан таъриб алашшиш ва ижодий ҳамкорлик ҳаммаимиз учун фойдалан холи бўлмайди.

Ийгилишда кенгаш фаолиятини янада жонлантириш, унинг 2019 йилги иш режасини ишлаб чиқиш каби масалалар муҳокама этилди.

### Тадбир

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ижтимоий-иқтисодий, экология масалалари ҳамда Аёл журналистлар кенгашларининг ййгилишлари бўлиб ўтди.

## Эзгу фоя ва эзгу амаллар

Жобир РАЗЗОКОВ

Журналистлар, нодавлат-нотихорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар ҳамда мутахассислар иштирок этган тадбирда жамоатчиликни мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, экология соҳаларида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини жамоатчиликка кенг тушуниришда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш борасида бажарилаётган ишлар бўйича фикр алашилди.

Оммавий ахборот воситалари, авваламбор, нодавлат медиа тузилмаларининг ахборот соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари тобора тақомил топиб бормоқда. Улар ижтимоий-иқтисодий ва экология соҳасида қўлга киритилаётган ютукларини ёритиш

билан бир қаторда, мавжуд муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратишга, аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш ва мустақамлашга фаол хисса қўшмоқда.

Бугунги ҳаёт талаби ва одамларимиз истаклари ўзгармоқда. Халқимиз ҳақли равишда яхши яшашга интиломоқда. Бу жўн гап эмас. Дунёда юз бераётган воқеаларни, анъаналарни таҳлил этиб, энг мақбулини турмуш тарзига қабул қилинган юртдошларимиз билан журналистларимиз ҳамқадам ва ҳамнафас ишлашга ва яшашга ҳаракат қилаётганлар. Президентимизнинг ҳамма нарса инсон учун, унинг бугуни ва келажиги учун, деган эзгу гоянинг изчиллик билан амалга ошириладигани халқимизнинг яшаш

тарзи ва дунёқарашини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Халқимиз келажакка, эртаси бугундан яхши бўлишига астойдил интиломоқда ва ишонмоқда. Бунинг шараф ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган кураш ва бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Иқтисодий тизимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларининг изчиллигини таъминлашда ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир қатор давлат дастурлари қабул қилинган. Бу борада мавжуд ислохотлар стратегиясини мустақамлаш ва уни амалга ошириш йўналишларини шакллантиришда ОАВда эълон қилинаётган таҳлилий мақола, телекўрсатув, радиоиштитиришлар свависияни юксалтириш даркор. Бу кенгаш ўз ишини замон талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Жумладан, мазкур соҳаларда фаолият юритаётган журналистларга ижодий-услубий, касб маҳоратини ошириш, тахририятларни малакали кадрлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш лозим.

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган улкан ўзгаришларни талаблар даражасида — изчил, кенг, таҳлилий ва танқидий руҳда ёритишга барча оммавий ахборот воситалари ҳам бир-

дек эришаётир, дейиш қийин. Шу сабабли ушбу соҳадаги ўзгаришларни қамраб олган таҳлилий ва танқидий руҳдаги материалларга янада кенгроқ ўрин бериш зарур. Анжуманда айна шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ОАВда Ўзбекистондаги мавжуд экологик муаммолар, глобал климат ўзгаришининг мамлакатимизга таъсири, Орол муаммоси, ичимлик ва сугурчи сувларининг танқислиги, биохилма-хиллик, қўланишининг олдини олиш, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, экологик маданиятни шакллантиришга доир сифатли материалларни янада кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ййгилишда кенгашнинг истиқболдаги вазифалари белгилаб олинди.

...

Аёл журналистлар кенгашининг ййгилишида Ватанимиз тараққиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга экани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қил-

моқда. Бинобарин, давлатимиз томонидан аёллар ва хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қарор ва фармонлар қабул қилинган. Жумладан, шу йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қабул қилинган «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қароримизда хотин-қизлар ўртасида мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётир. Мазкур ҳужжат хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг сифат жиҳатида янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустақамлашга, салохиятини тўла намоеён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

— Жамиятда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди, — деб таъкидлади Кенгаш эксперти, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммадова. — Хотин-қизлар ўртасида мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларнинг кенг жамоатчиликка етказиш журналистлардан юксак билим ва таъриб талаб қилади. Соҳада хотин-қизлар аудиториясини кенг қамраб олган қатор босма ва ин-

тернет нашрлари, телеканаллар фаолият олиб бормоқда. ОАВда оилалар мустақамлашнинг таъминлаш билан бир қаторда аёллар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга оид мақола, кўрсатувлар, эшиттиришлар ҳажми кескин ортмоқда. Уларнинг аксариятида хотин-қизлар ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида хотин-қизлар ўртасида мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётир. Мазкур ҳужжат хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг сифат жиҳатида янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустақамлашга, салохиятини тўла намоеён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

— Жамиятда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди, — деб таъкидлади Кенгаш эксперти, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммадова. — Хотин-қизлар ўртасида мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларнинг кенг жамоатчиликка етказиш журналистлардан юксак билим ва таъриб талаб қилади. Соҳада хотин-қизлар аудиториясини кенг қамраб олган қатор босма ва ин-

тернет нашрлари, телеканаллар фаолият олиб бормоқда. ОАВда оилалар мустақамлашнинг таъминлаш билан бир қаторда аёллар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга оид мақола, кўрсатувлар, эшиттиришлар ҳажми кескин ортмоқда. Уларнинг аксариятида хотин-қизлар ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида хотин-қизлар ўртасида мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётир. Мазкур ҳужжат хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг сифат жиҳатида янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустақамлашга, салохиятини тўла намоеён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

— Жамиятда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди, — деб таъкидлади Кенгаш эксперти, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммадова. — Хотин-қизлар ўртасида мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларнинг кенг жамоатчиликка етказиш журналистлардан юксак билим ва таъриб талаб қилади. Соҳада хотин-қизлар аудиториясини кенг қамраб олган қатор босма ва ин-

► Танишув

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи доирасида 8 октябрь куни мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида Франциядаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси президенти, тарихчи олимпиа Фредерик Бопертюи-Брессанд хонимга Самарқанд шахрининг фахрий фуқароси унвони берилди.



# Момоси Амир Темур саройида яшаган фаранги

Гулрух МЎМИНОВА  
журналист

Бутун илмий фаолиятини Самарқанд, хусусан, темурийлар даврини ўрганиш ва уни тарғиб этишга бағишлаган француз олимаси билан 2017 йил юртимизга сафари чоғида суҳбатлашган эдик. Ушанда олимпиа Фредерик Бопертюи-Брессанд хонимга Самарқанд шахрининг фахрий фуқароси бўлиш менинг бир неча йиллик орзум, деганди. Қарангки, орадан бир йил ўтиб, унинг орзуси ушалди. Ўз навбатида биз ҳам маърифатли француз ҳамшахримиз борлигини дахлдор қилдик.

Машхур Ургут бозорининг каштадўзлик маҳсулотлари рас-тасида бекасам нимча кийиб, каштали халта кўтариб олган, ўз фикрини русчада баён қилиб, хайратини французча "о-ля-ля!", дея ифода этаётган чет эллик хоним барчанинг эътиборини тортиди.

Сотувчилар хорижлик хонимга сотиш илмида сўзанаю кашталарига таъриф бера бошлади. Француз хоними уларнинг баъзиларини эшитиб, мийғида кулиб қўйди. Сўнг шеригига қараб: "Бу самарқандча нусхадаги сўзана, бу каштанинг гулини сурхонликлар тикади, мана бу машхур бурхорча нақш...!", дея кашталарини, улардаги нақш маъноларини таърифлай бошлади. Сотувчилар тилини тишлаб қолди: "Қалампир куёш нусхаларимизнинг таърифини келтираётган бу француз хоними ким ўзи?".

## САМАРҚАНДГА ИЛК МУХАББАТ

Либосидан тортиб қадим Бухоро ва Самарқанд меъморий обидалари тасвири туширилган эски суратларни авайлаб жойлаб қўйган сафар сумкасию тақинчоқларига самарқандлик хунармандлар томонидан ясалган. У бу либосларни кўз-кўз қилиш учун фақат Ўзбекистонда эмас, АҚШ, Испания, Франция — иш юзасидан қайси юртга бормасин, ўша ерда ҳам кийди. Унинг гардеробида бундай либослар, адрас чопон, нимча, лозим, қўйлак ва дўппиларнинг хилма-хили мавжуд.

Фредерик хоним шунчаки тарихий обидаларимиз ва маданий меросимиз, либосу санъатимизга ошурфта сайёҳ аёл эмас. Фредерик Бопертюи-Брессанд — тарихчи олимпиа, Франциядаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси президенти. Ассоциация муассислигида чоп этиладиган "La Timuride" журнали бош муҳаррири. Фредерик хонимнинг Ўзбекистон, темурийлар тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар олиб боришию бу ўлкани чуқур тадқиқ этиши фақат ассоциация раҳбарлиги

эмас, бу ишларнинг илдири унинг муҳаббати туфайлидир. Ўзбекистонга, Самарқандга мафтунлиги бир пайтлар касбнинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлган.

— Биринчи марта Ўзбекистонга 1977 йилда келгандим, — дея хотирлайди Фредерик хоним. — Ушанда Франциядаги университет талабаси бўлиб, рус ва хитой тилларини ўрнаётгандим. Рус тилини яхшироқ ўзлаштириш, унинг барча нозик жиҳатларини тушуниш учун собиқ иттифоқ таркибидан турли давлатларда бўлган юрда Амир Темур шахси ҳақида пичирлаб гаплашишар эди. Фақат 1991 йил, яъни Ўзбекистон суверен давлат сифатида эълон қилингандан сўнг алоқалар яхшиланиб, ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширдик.

## ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ТАРҒИБТОЧИСИ

Ассоциация томонидан амалга оширилган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Уюшма томонидан ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти, Темурийлар тарихи давлат музейи ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилди. Фредерик Бопертюи-Брессанд 2007 йилда Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейи доирасида ўтказилган халқаро конференцияда "Темурийлар даври мусиқаси" мавзусидаги маъруза билан иштирок этди. Шу йилларда Парижда "Мовий Самарқанд" ва "Сехрли Самарқанд" китоб-альбомлари нашр этилди. Самарқандда ўтказилган китоб тақдиротларидан бирида "Сиз туфайли Самарқандга бошқача назар билан қарай бошладик" деган лутфни эшитган Фредерик хоним бу эътирофни ҳалиям кўнглида асраб юради. Ассоциация Ўзбекистон маданияти ва санъатини нафақат Франция, балки бутун Европа, АҚШда ҳам кенг тарғиб қилмоқда. Хусусан, Парижда Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевнинг концерти, расом Бобур Исмоилов ва кулол Абдулла Нарзуллаевнинг кўргазмалари ташкил этилди.

2016 йилда Германияда ўтказилган "Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси" мавзусидаги халқаро конференцияда ассоциация аъзолари ўз маърузалари билан қатнашдилар. Умуман, фаолиятини давомида ассоциация томонидан Ўзбекистон маданияти, темурийлар даври, ўша даврга оид маданий ҳаёт мавзуларида турли давлатларда 200 га яқин конференция ташкил этилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси ассоциация режаси ижроси учун эмас, балки Фредерик хонимнинг фидойилиги, Самарқандга муҳаббати туфайли амалга оширилган, десак кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Аммо Фредерик хонимни бир неча йиллардан бери танийдиган самарқандлик дўстлари унинг бир сирини фош этиб қўйишди: "У кўпинча Ўзбекистон ҳақидаги китобларини нашр этириш, хорижда ўтказиб юрган конференциялари учун маблағни оилавий бюджетидан ажратди".

” ЎЗ ФАРЗАНДИНИНГ  
ТҮЙИДА УЗУН АДРАС  
ЛИБОСДА,  
ЎЗБЕК МУМТОЗ  
МУСИҚАСИГА  
РАҚС ТУШАЁТГАН  
ФРАНЦУЗ ХОНИМИНИ  
ТАСАВВУР ҚИЛИШ  
ҚИЙИНДИР, ЭХТИМОЛ.  
АММО ЁНИДАГИЛАРИ  
ФРЕДЕРИК ХОНИМИНИ  
ШУНДАЙ ТАНИЙДИЛАР.  
УНИНГ ДҲСТЛАРИ ҲАМ  
ШАРҚ ДУНЁСИНИ ЧУҚУР  
ТУШУНУВЧИ ИНСОНЛАР.

## “ОНАМИЗНИНГ АЖДОДЛАРИ ЎЗБЕК БҮЛГАН”

Оиладагилари Фредерик Бопертюи-Брессанднинг қадим Самарқандга муҳаббатини тўғри қабул қилишади. Париждаги уйдан катта бир хона фақат Ўзбекистонлик хунармандлар ясаган маҳсулотлар билан безилган. Унда бешикдан тортиб турли каштаю сўзаналаргача, кўздан тортиб офтобгача бор. — Қизимнинг тили чиққандан айтаман биринчи сўзи биласизми нима бўлган? — суҳбатни давом эттиради Фредерик хоним. — У "сюзане", деб гапира бошлаган. Уни ҳатто бешикда катта қилмоқчи бўлгандим. Тўрт фарзандимнинг ҳаммаси ўзим каби Ўзбекистонга меҳр қўйган. Шарқ дунёси уларниям мафтун этган.

Ўзбекистонлик дўстларим уйимизга ташриф буюришади, мен ҳам уларниқанда меҳмон бўламан ва бу дўстлиқни жуда-жуда қадрлайман. Умуман, уйлантиришим муносабати билан ўтказилган тўй маросимида дўстим Муножот Йўлчиевнинг ташрифидан бошим осмонга етганди. Унга қўшиқ айтиб беришимни илтимос қилдим, у рад этмади.

Ҳа, ўз фарзандининг тўйида узун адрас либосда, ўзбек мумтоз мусиқасига рақс тушаётган француз хонимини тасаввур қилиш қийиндир, эҳтимол. Аммо ёнидагилари Фредерик хонимни шундай танийдилар. Унинг дўстлари ҳам Шарқ дунёсини чуқур тушуновчи инсонлар. Фарзандларининг "Она-мизнинг аждодлари ўзбек бўлган", деган ҳазиломуз гапларига жилмайиб қўя қоладиган хоним қарийб 40 йилдирки, кўнглидаги бу меҳр сабабларини айтиб бера олмайди, бу ҳолга изоҳ топишдан кўра, ҳар гал келганида мамлакат тарихи билан боғлиқ янгиликларини ўрганиб кетишни афзал билади.

Аллақайси эътиқодга кўра, инсон бир неча умрни яшаб ўтиши мумкин экан: турли асрларда, турли қиёфаларда. Агар шу фикрга таянадиган бўлсак, эҳтимол, Фредерик хоним ҳам, балки момоси, XV асрларда айнан Самарқандда, янаям аниқроғи, темурийлар саройида яшаган бўлиши мумкин. Унинг Шарқ дунёсини, хусусан, Ўзбекистон, Самарқандга нисбатан муҳаббати сабабини аниқлаш учун бошқа изоҳ топа олмадик. (ЎЗА)

► Муаммо

Босма матбуотнинг кейинги тақдири ҳақида ҳар ким билганича фол очмоқда. Кимдир интернет тараққий этган даврда босма нашрларнинг замони ўтиб бўлганини айтса, яна кимдир ҳар бир оммавий ахборот воситасининг ҳамма замонларда ҳам ўз ўрни борлиги билан тасалли беришга уринмоқда.

# Мен уларни изламадим

Дилшод МУҲАММАД РАҲАБ  
журналист

Нима бўлганда ҳам очигини айтиш керак, обун мавсумининг бу йилги "мавҳум" ҳолати кўпчиликни саросимали саволлар гирдобига ташлаб қўйди. Бу жараёнда нафақат газета ёки журналлар муҳаррирлари, балки, йиллар давомида тахририятлар нонини яримта қилиб келаётган почта ва турли шаклдаги тарқатувчиларнинг ҳам боши қотганлиги рост.

Гапнинг индаллосини айтсак, кўпчиликни қийнаётган савол — "мажбурий обуна"нинг бўлмаслигидир. Хўш, ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, обуна ҳисобидан яшаб келаётган тахририятларнинг тақдири энди нима кечадиган?

Ҳар гал шу мавзуда гап кетганда ўқувчилик даврим ёдимга тушаверади. Мактаб ўқувчилари бўлган ота-онамиз ойлик маошлари ҳисобидан бир дунё газета-журналга обуна бўлишарди. "Ғунча"дан тортиб "Известия"гача келарди уйимизга. Туман марказидан 65-70 километр олис бўлишига қарамастан, ҳар куни "Почта" машинаси қатнариди қишлоғимизга...

Аммо бугун шаҳарнинг қоқ марказида яшасамда сўнги 10-15 йил давомида менинг уйимга почта ходимларининг йўли тушмади. Мен ҳам уларни изламадим, эсламадим... Масаланинг асл моҳияти ҳам ана шунда...

Биринчидан, қатор йиллар давомида "ўтиш даври"нинг ўзига яраша ташвишлари билан ўралашиб "аввал иқтисод" ақидаси (балки ҳақиқати) билан нафас олишга тўғри келди. Бозор шартлари даврида маънавий-иқтисодий мутаносибликни сақлаш осон кечмади. Бу жараёнда ҳамма соҳада бўлгани учун давлат бюджетидан миллионлаб маблағлар ажратилган тараққий этди. Уларнинг тури ва сони кўпайди, рақобат майдони эса бўйига ўсиб, энгизга кенгайди.

Айниқса, биз бугун "сарик матбуот" деб атаётган нашрлар маънавий турмуш билан боғлиқ масалалар ҳақида эринмасдан, ипидан игнасигача ёзишдан чарчамди ва шу орқали матбуот бозорини эгаллади. Балки ўша даврда аҳолининг қайсидир қатлами учун, қанақа рангли матбуот бўлишидан қатъи назар, улар терапия вазифасини ўтагандир. Буни ҳам тан олишимиз керак. Ва яна энг қизиғи, бугунги "обуна васваса"си ўша нашрларни қаттиқ талвасага ҳам солаётгани йўқ...

Очигини айтганда, аксарият сиёсий-расмий ахборотлар, қайсидир нуфузли жойда ўтказилган йилгиликларнинг тафсилотларини ўз ташвишлари билан хорижан ўқитувчи учун, балки ҳар қандай касб эгаси учун ҳам марқадий деб бўлмайди! Ёниқ, нашрларимиз қачонгача алмашиб келадиган йил фаслларига ўхшаб ҳар мавсумда бир хил мавзудаги материалларни такорлайвериши керак, деган эйтирошлар ҳам айни ўрнида айтиляпти.

...Баҳорда фалон қути ипак курти боққан пиллакор ҳақида, кузда давлат режасини баҳардан пахтакор ва чуқурроқ ҳайдалган шудгор, қишда эса парваристалаб галла ёки шўр ерга берилган яхоб ҳақида "завқ" билан ёзилган мақолалар қоллипдан қачон қутиламиз? Турли режаларни бажаришга ундайдиган "кимўзар мусобақалар"дан мерос "ура-ура" ва сохта мақтовларни тарғиб этишдан қачон тўхтаимиз?

Бундан ташқари, аксарият расмий газеталардаги материаллар худди эгизакдек бир-бирини такорласа, бошқа тилдаги ўша нарсанинг таржимасини чоп этиб турса, ўз-ўзидан сон ва сифат, сурат ва сийрат ўртасидаги мувозанат бузилиши та-

бийи. Қолаверса, газетхон-ўқувчи ўз қаҳрамонларини нашрлардан изламай қўйди, ўзига дилкаш ва дардкаш, юрагига яқин мавзулар эмас, баландпарвоз гапларни ўқишдан зада бўлди, рост.

Ва яна муҳим жиҳат — газета-журналларга юборилган хат-жилдлар очиб ҳам кўрилмади... қалами ўткир, ўз овози ва сўзига эга ёш журналистлар менлигини кўрсата олмади, қалам ҳақида эса қалам ҳам ололмади барчасига қўл силтади ёки кўпчиликка қараб "мослашди"... Энг ёмони мана шу каби сабаблар оқибатида ўқувчи ва нашрлар ўртасидаги омонат кўприк хилвираб қолди.

Иккинчидан, босма оммавий ахборот воситаларининг обуна нархи ва обунанининг моддий имкониятлари ўртасидаги тафовут кўпчиликини қийнаб келаятигани ҳам айтиш жоиз. Тасаввур қилинг, республика нашрларидан беш донасига обуна бўлиши хоҳлайдиган (мажбурий эмас) ўқитувчи, ҳамшира ёки кутубхона ходимининг бир ойлик маоши етармикан бунга? Пенсия ёки ногиронлик нафақасидан бошқа даромади бўлмаган оилачи? Бугун ҳар ойлик маошидан кредит тўлаётган ёки фарзандини контракт-тўлов асосида ўқитаётганлар-чи? (Балки матбуот нашрларини ҳам кредит асосида обуначига етказиш керакдир).

Тўғри, қаловини топсак ҳаммасини ҳам эгласа бўлади, дерсиз. Аммо кўрпага қараб оёқ улатиш кераклигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Холбуки, бугунги кунда ўнлаб ривожланган давлатларда айрим босма нашрларга обуна учун давлат бюджетидан миллионлаб маблағлар ажратилган тараққий этиб ўтиш жоиз. Хусусан, муассиси давлат органлари бўлган нашрлар маблағлари химоя қилиниб, қўлбақуватланмас экан, турли гаджетлардан ўқиш урфи авж олаверади. Бу эса ўз-ўзидан маънавий-ахлоқий ҳулққа, теран саводхонликка жиддий путур етказиши табиий!

Бугунги кунда вилоят ҳамда туман ҳокимликлари муассислигидаги барча нашрлар "ташқил этиладиган" обуна ҳисобидан кун кўрмоқда. Қоғоз, босмахона, етказиб бериш ва бошқа харажатлар ҳисобига обуна баҳоси аксар ҳолларда сунъий равишда ошиб кетаяпти. Шунингдек, туман (айрим вилоят) газеталарининг ададини худуддаги аҳоли сонига нисбатан таққослайдиган бўлсак, кимларга етиб бормоқда бу нашрлар?

Ҳар гал (ҳар йили) обуначилар бир хил тоифадагилар эмасми? Нега оддий ўй бекасининг қўлига турли кўнгличар нашрлар етиб боради-ю вилоят (ёки туман) газетасининг эса ҳатто номини билмайди? Тан олишимиз кераки, биз хоҳлаймизми, йўқми, оммавий ахборот воситаларининг барча турлари, жумладан, босма нашрлар ҳам тоифаланган ўқувчилар аудиториясини яратиб бўлди. Демократ бўлганим, қайсидир нашрга ёппасига обуна қилдириш ёки обуна бўлишларини қутти бефойда. Институт домласи ўқитган газета дўканди сотувчи учун мутлақо қизиқ бўлмаслигини исботлаш шарт эмас...

Хуллас, бугун матбуот нашрларининг хоҳ иختиёри, хоҳ мажбурий обунаси, сотуви, умуман, уларнинг яшаб кетиши масаласида гап кетар экан, таъби нозик ўқувчининг дидига мослашиш, дарду қувончига шерик бўлиш вақти етди, танлов эса — улардан. Зеро, шоир айтганидек, ҳар кимнинг ўз ёқтирган гули бор...

► Хориж тажрибаси

# Коррупциядан холи мамлакат

У бой вилоятга камбағал бўлиб келди, камбағал вилоятдан бой бўлиб кетди

Маълумотларга қараганда, коррупция, яъни "жамиятни ичдан бузиш", "пора эвазига ўзига оғдириш" муаммоси инсоният тарихи каби кўхнадир. Қадимги Римда коррупция домига илинган давлат амалдорларига нисбатан айtilган: "У бой вилоятга камбағал бўлиб келди, камбағал вилоятдан бой бўлиб кетди" қабилдаги пичинг гаплар "corruptio" атамасига асос солган. Умуман, коррупция мансаб мавқеини суиистеъмол қилишдир.

**Гўзал МАЛИКОВА**

Коррупцияга қарши кураш асрлар давомида такомиллашиб келди. Антик даврда порахўрлик, таъмагириликни касб қилган амалдорлар бошқаларга ибрат тарикасида оломон кўз ўнгиде жазоланган. Бирок, бу ҳеч қандай самара бермаган, амалдан четлатилганнинг ўрнини эгаллаган шахс яна порахўрга айланаверган.

Коррупциянинг пайини қирқибга бел боғлаган Сингапурнинг собиқ бош вазири Ли Куан Ю ўзининг қаттиққўллиги билан мамлакатни порахўрлик ботқоғидан олиб чиқа олган шахсдир. У Сингапурни бутун дунёга коррупция устидан тўла галаба қозонган юрт сифатида танитди. Бунга эришиш учун қирқ йилдан ортиқ вақт сарфлади.

Айтиш жоизки, Сингапурда порахўрлардан қутулишнинг ўзига хос йўли танланди, Чин юрти каби кескин чоралар кўрилмади, яъни таъмагир амалдорларнинг пешонасидан отиб ташланмади, балки...

**ТУМАН ИЧРА ҚОЛГАН МАМЛАКАТ**

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Британия босқинидан озод бўлган сингапурликлар оғир меҳнат қилиб, жуда кам иш ҳақи оларди. Мамлакатда қонунчилик ноҳор аҳволда бўлиб, иқтисоди ривожланмаганди. Шу сабаб, таъмагирилик, порахўрлик, талон-тарож авжига чиққанди. Сингапурга келган Британия сайёҳлик агентлиги раҳбари Элисон Хейметт ўз хотираларида: "Манзара жуда аянчли эди, кўчалар чикиндиға тўла, биноларда тамаки тутуни сузар, чивиллар дастидан юриб бўлмасди", деб ёзганди.

Табий ресурслар жиҳатидан мамлакат қашқоқлашганди, ҳатто чучук сув ва қурилиш учун зарур ашёлар ҳам четдан келтириларди. Англияликлардан самарали бошқарув тизими мерос қолган бўлсада, мамлакатни чирмаб олган коррупция иқтисодиётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатарди.

Келажagini қандай тасаввур этишга ожиз қолган халқ нима қилишини билмас, тинчгина кун кечириш учун тинимсиз юқоридеги ларнинг оғзини мойларди.

**"ИҚТИСОДИЙ МЎЪЖИЗА"**

"Халқ ҳаракати" партияси томонидан номзоди қўйилган Ли Куан Ю 1959 йилнинг июль ойидаги сайловда галаба қозониб, бош вазир лавозимини эгаллади. Мазкур партияни "Буржуа, инглиз таълимини олганлар, лидерлар гуруҳи" дея атаб, жамиятдаги ихтимой, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларни тартибга сола бошлади. Унинг: "Агар коррупцияга қарши бўлсангиз, ҳатто дўстларингиз ва қариндошларингизни панжара ортига жунатишга ҳам тайёр туринг!" сўзлари мамлакатда шорга айланди. Бош вазир, хоҳ у ўрта даражадаги амалдор бўлсин, хоҳ парламент аъзоси, барчани тенг кўрди. Янги ҳукуматнинг фикрича, лавозим билан боғлиқ жиноятларни таг-туғи билан йўқотишда "ҳокимият — пул — коррупция" схемаси ишга тушиши керак эди. Молия вазирлиги коррупцияга қарши курашда махсус дастур ишлаб чиқиш топширилди. Юқори лавозимли амалдорлар устидан қўйилган амалдорлар назорати этиб тайинланди. Фуқаролар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тартибини такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларга барҳам бериш мақсадида қўйилган текширувлар ўтказилди.



Зиёлилар оиласида вояга етган Ли Куан Ю халқига муносиб, исмига мос (Ли Куан Юнинг маъноси — шон-шавкат, тур ва ёрқинлик келтирувчи) фарзанд бўла олди. Миллат отаси сифатида тан олинган ва давлатни 30 йил давомида бошқарган Ли Куан Ю нафақат замондоши, балки келажақ авлод учун ҳам шон-шавкат тимсолига айланди. Юртни очқўзлар, еб тўймаслар зулмидан халос этиб, миллатни фаровонлик сари етаклади.

**МЕХНАТГА МУНОСИБ ҲАҚ**

Сингапурда коррупцияга қарши самарали курашнинг энг муҳим чораларидан бири — мансабдор шахсларнинг иш ҳақини ошириш бўлди. "Улар ҳалол меҳнатларига муносиб ҳақ олишлари керак, шундагина давлат мулкидан қўлини тортади", дея таъкидлади Ли Куан Ю. Сиёсатчининг фикрига кўра, агар давлат хизматчилари қўшимча иш ҳақи билан таъминланмасалар, тижорий секторларда муваффақиятга эришиш мушкул бўларди. Амалдорларнинг турмуши фаровонлашгани, ойилкларнинг ошиши тезда ўз натижасини берди — давлат хизматларига энг яхши мутахассислар кела бошлади.

Иқтисодий ўсишнинг тезлашуви билан бирга, амалдорларнинг иш ҳақлари ҳам хусусий сектор даромадларига мутаносиб равишда ўсди.

Сиёсатчи Ли Куан Ю юқори лавозимли шахсларнинг даромад моделини кескин ўзгартирди. Бош вазир вазирилар, судьялар ва олий даражадаги давлат хизматчиларининг маошларини хусусий секторлар томонидан тўланган даромад солиқларига боғлаб қўйди. Бугунги кунда ҳам Сингапурда ана шу тизим фаолият юритади.

**ОЧҚЎЗЛИККА ҚАРШИ БЮРО**

Сингапурга Британия ҳукумати-дан коррупцияни тергов қилиш бюроси (КТБ) ҳам мерос қолган эди. Ли Куан Юга қадар ушбу бюро жуда майда ишлар, кичик порахўрликларни фож этиш билан шуғулланарди. Ҳокимият тепасига келган бош вазир бюронинг фаолиятини кучайтирди ва ўзига бўйсундирди ҳамда қўшимча ваколатлар берди.

Мавжуд амалдорлар дахлсизли-

лика чек қўйилди, уларнинг оила аъзолари ҳам назорат остига олинди. Эндиликда, КТБ ходимлари нафақат амалдорлар, балки уларнинг оила аъзолари, қариндошлари ва дўстларига тегишли банк ҳисоб рақамларини, тасаруфидеги мол-мулкларини текшириш ҳуқуқига эга бўлди. Текширувлар давомида амалдорлар ой-

лик даромадига нисбатан кўпроқ харажат қилаётгани аниқланса, бюро ходимлари юқоридан буйруқ кутмай, терговни бошлашарди. КТБ суд қарорисиз порахўрликда гумон қилинганларни тутиш, уларни қамоқда ушлаб туриш, банк ва капитал ҳисобларини текшириш, гумондорнинг ҳамтовоғи бўлса, улар ҳам шон-шавкат тимсолига айланди. Юртни очқўзлар, еб тўймаслар зулмидан халос этиб, миллатни фаровонлик сари етаклади.

Суд тизимига қўшимча ваколат берилди. Судьялар коррупция натижасида қўлга киритилган мол-мулкни мусодара қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шунингдек, пора олганлар учун жазималар жорий этилди. 1989 йилда коррупцияга алоқадор хатти ҳаракат учун энг юқори жазима, яъни 10 мингдан 100 минг Сингапур долларига кўтарилди. КТБга ёлгон гувоҳлик бериш орқали терговни чалғитгани учун қамоқ жазоси ва 10 минг доллар жазима белгиланди.

Буни қарангки, КТБ ходимлари Ли Куан Ю ва унинг оила аъзоларига нисбатан ҳам суриштирув ишлари олиб борган, лекин муваффақиятга эришмаган.

Айниқса, Сингапурда коррупцияга қарши курашда ОАВ фаоллиги самарали бўлди. Тўпланган барча фактлар матбуотда тинимсиз ёритилди. Пора билан қўлга олинган амалдорлар, маошига нисбатан катта харажат қилганлар газеталарнинг биринчи саҳифасидан ўрин олди.

"Менда иккита йўл бор эди: биринчиси, ўғирлаш ва дўстларим ҳамда қариндошларимни "Форбес" рўйхатиغا киритиш, бу билан халқимни ноҳор аҳволда қолдирардим. Иккинчиси — халқимга хизмат қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш эди. Мен иккинчи йўлни танладим..." деган эди "Сингапур мўъжизаси" асосчиси Ли Куан Ю.

**КУЧЛИЛАР РЎЙХАТИДА**

Бугун Сингапур аҳолисининг 90 фоизи қулай ва шинам уй-жойларда истиқомат қилишади. Мамлакатда ишсизлик даражаси бор-йўғи 2 фоизни, ўртача иш ҳақи 5808 Сингапур долларини ташкил этади. Инфляция даражаси 0,4 фоиз. 63 та оролда жойлашган ушбу давлат ҳали ҳануз Малайзия ва Индонезиядан ичимлик суви ва қурилиш учун кўми сотиб олса-да, банклари, осмонўпар бинолари, равон ва чиройли йўллари, дунёда энг яхши солиқ, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларига эгаллиги билан жаҳондаги етакчи давлатлардан бири сифатида юксалиб бормоқда.

Экспертларнинг фикрича, Сингапурнинг иқтисодий тараққиёт ва турмуш даражасини юксалтиришда, биринчи навбатда, таълим тизимида жаҳон стандарти босқини ишлаб чиқилган. Бунга катта маблағ сарф қилинган. Айниқса, энг яхши ўқитувчиларни жалб этиш ва уларнинг нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

► Фикр

Инсон табиатдан ташқарида мавжуд эмас. Шу боисдан табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, уни келажақ авлодга безарар ва кам-кўстсиз етказиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги ҳам қарз, ҳам фарздир.

# Япон боланинг бошига етган қоғоз

**Нозимабону ШЕРБЕКОВА**

талаба

Халқимиз азалдан ёшларга табиатга муҳаббат руҳида тарбия берган. Оилада фарзанд туғилганда унга атаб бир дарахт (кўпинча, терак, ёнғоқ қабилар) экилган. Мақолу маталларда ҳам атроф-муҳитга меҳр тарғиботини кўриш мумкин. "Яхшидан бог қолар, ёмондан — доғ", "Сув — зар, сувчи — заргар", "Сувсиз ер — мазор, сувли ер — гулзор"... Умуман, қадриятларимиз орқали экологик маданиятни шакллантиришга энг оқилона йўл сифатида қаралган ва бу — тўғри.

Неча асрлардан бери асраб келаётган қадриятларимиз, у миллий қўшиқлар бўладими, урф-одатларимиз бўладими, барчасида меҳр-муҳаббат, ободлик улуғланади. Эрта баҳорда ўтказиладиган бойчечак сайли, "Сув хотин" қўшиғи билан ўтказиладиган ёмғир қақриш, "Майда-майда" қўшиғи билан ўтказиладиган бугдой янчиш маросимлари халқимиз нақадар табиатни, ерни севишига гувоҳлик беради. Момоларимизнинг сувга тулурма гуноҳ бўлади, эрталаб турб, албатта, сув селиб остона супур, деган панд-насихатлари бизни доим тозалик, маданиятимизни шакллантиришда муҳим омил бўлган.

Тарихда ҳам ободонлаштириш ишларига қўл урган ҳукмдорларни халқ суйган ва қўллаб-қувватлаган. Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий каби аждодларимиз ўз ҳукмронликлари даврида қўллаб боғлар барпо этишган. Масалан, Амир Темур Самарқандда 12 боғ яратди ва унинг табиий муҳитига алоҳида эътибор қаратади. "Темур тузуқлари"да эса шундай ёзади: "Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки қориз курса, ё бирор бир боғ кўқартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йил ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йил ранят ўз розилиғи билан берганини олсинлар, учинчи йил қонун-қоида-сига мувофиқ хирож йиғсинлар".

Давлатимиз сиёсатида экологияни асрашга бирламчи масала сифатида эътибор қаратилиб келинади. Шу соҳада ҳозирги кунгача элликдан ортиқ қонунлар, юздан ортиқ ҳукумат қарорлари ва бошқа қўллаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Парламентда Экологик ҳаракат аъзолари меҳнат қилишмоқда.

Ёшларнинг соғлом камол топиши ҳар жиҳатдан атроф-муҳитнинг соғлиғига боғлиқ. Демак, биз экологияни асрасак, ўзимизни, ўз соғлиғимизни асраган бўламиз. Фикримча, ёшларнинг экологик маданиятини шакллантиришни мактабгача таълим муассасаларидаёқ бошлаш керак. Болалар би-

лан гуллар экиш, суғориш каби машғулотлар ўтказиш уларга ҳар томонлама яхши таъсир кўрсатади. Айниқса, чиқиндилардан тозалаш кўникмасини шакллантириш зарур. Бошланғич синф ўқувчиларига ўтиладиган "Табиатшўнослик", "Атрофимиздаги олам" каби дарсларни фақат ёзиш ёки ўқиш билангина эмас, балки амалий ишлар, болалар учун ташкил этиладиган турли хил саёхатлар билан ўтказиш керак. Болалар электрни, сувни, газни қадрига етиши учун у қанчалар машаққатли йўллар билан топилаётганини билсин. Элимизнинг ардоқли шoirи Эркин Воҳидов: "Кўрмай туриб, сайр этмай туриб, уни шунча севадимиз мен" деганларида нақадар ҳақ эди. Шу жиҳатдан, мажбурий таълимни тамомлаган, аммо бирор иш билан банд бўлмаган ёшларни ихтиёрий равишда ёзи таътил вақтида республикамизнинг турли ҳудудларига меҳнат сафарларини уюштириш мумкин. Бу улар учун саёхат қилиш, қолаверса, моддий манфаат кўриш имконини беради. Бир тарафдан саёхат қилиб юртимизнинг табиати нақадар гўзаллигини кўрсалар, бошқа жиҳатдан фермерларга ёз ойларида мавсумий ишчилар жуда керак бўлади. Бу тажриба жаҳон миқёсида ҳам қўл келган. АКШда "Ворк анд тревел" ёшлар клуби ҳар йили турли ободонлаштириш ишлари бўйича яхши натижаларга эришиб келмоқда.

Экологияга муносибатда намуна қилиб кўпинча Япония кўрсатилади. Айтишларича, япон кўчаларида оқ пайпоқ билан юрсангиз, пайпогингиз қир бўлмас эмиш. Аммо кўчаларида фаррошларни учратмайсиз. Одамлар чиқиндиларни ўзлари тозалайди. Япониянинг бир мактабда содир бўлган воқеа кўпчиликни ларзага солди. Ўқувчи мактаб ҳовлисида беҳосадан бир парча қоғоз тушириб қолдиради. Шунда мураббий келиб, сен Япония келажақда шундай исқирт бўлишини истаяпсанми, деб даки беради. Бола уйига келиб, бутун япон халқидан уэр сўраб хат ёзади ва мендай жирканч инсон Японияга ортиқча, деб худкушлик қилади. Бу шунчаки гап эмас, японча тарбиянинг, масъулиятнинг бир мисоли.

Экологияни асраш бу умумбашарий қадрият, макон ё эман танламайди. Качонки, бирлашиб ҳаракат қилсак, қаршимизда турган улкан экологик муаммолар ҳам биздан чекинади. Зеро, бир бармоқ кучи ҳеч нимани хал қилмайди, аммо мушт бўлиб тутилган экан, унга бас келадиган куч топилайди. Кун келиб, бизнинг кўчалар ҳам боғу роғлар яратишга иштиёқли баланд, гулларнинг ишқибози бўлган маданиятли ёшлар билан тўлади.

” СИНГАПУРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ОАВ ФАОЛЛИГИ САМАРАЛИ БЎЛДИ. ТЎПЛАНГАН БАРЧА ФАКТЛАР МАТБУОТДА ТИНИМСИЗ ЁРИТИЛДИ. ПОРА БИЛАН ҚЎЛГА ОЛИНГАН АМАЛДОРЛАР, МАОШИГА НИСБАТАН КАТТА ХАРАЖАТ ҚИЛГАНЛАР ГАЗЕТАЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САҲИФАСИДАН ЎРИН ОЛДИ.

— Сингапур иқтисодиётининг оёққа туришида таълим тизимидаги ислохотлар ҳам ўз ижобий натижасини берди. Таълим соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масала америкача таълим моделига мослаштириш йўли орқали халқ этилди. Гарчи мазкур тизим пуллик бўлса-да, — дейди Сингапур "EduCare" халқаро консалтинг компанияси раиси Майк Сирумэн, — биз таълим тизимини муваффақиятга туза олдик. Сифатли таълим тизимини ривожлантиришда доимо ўқитувчилар кўмағига суяндик. Ўқитувчиларнинг обрў-эътиборини, мақомини оширдик. Талабга жавоб берадиган малакали ўқитувчилар танлаб олинди ҳамда университетни аълога битирганлар жалб этилди. Албатта, бунинг учун ҳукумат катта маблағ ажратди. Ҳозир ҳам ўқитувчиларни энг нуфузли таълим муассасаларига битирувчилари орасидан ёллаш аъёнаси давом этмоқда.

Дарвоқе, бугунги Сингапур, мақолаимиз аввалида Буюк британиялик сайёҳ таърифлагандек эмас, балки кўчалари тоза-озода, машиналар қатнайдиған йўллари равон, йўлақлар атрофига, хиббон марказларига анвойи гуллар экилган, фавворалардан таралаётган нам-хуш ҳаво эса сокинлик улашади. Одамларнинг юзида оиласидан тинч, ишидан хотиржам эканлигини кўрасиз. Айниқса, осмонўпар бинолар ўзига хос, миллий меъморчилик аъёналарига мос равишда бунёд этилган. Шаҳар ҳавоси хузурубаш, чиройи дилтортар. Ҳар жиҳатдан дунёнинг манаман деган давлатлари билан бемалол баҳслаша олади Сингапур.

1983 йил 17 октябрда шахсий тинтув ўтказилган чоғида айбланувчи Раҳмонов ёнидан 92 сўм 50 тийин пул чиққан, 400 сўмлик тилла узук ва 245 сўмлик "Ориент" соати олинган. Ушбу пул ва қимматли буюмларнинг бундан кейинги тақдирини ҳақида ҳеч қанақа маълумот йўқ. Ишни судга Гдлян йўлаган. Аммо, Раҳмоновдан олинган пул ва буюмлар ҳақида ҳеч нарса демаган. Раҳмонов эса ўзига тегишли буюмларни қайтариб беришларини сўраб бир неча бор шикоят ёзган.

# Гдляннинг миллионлари: афсонами, ҳақиқат?

## Тинтув ўтказилган уй беш хонадан иборат бўлган. Беш терговчи ва уч холис келган.

**Виктор ИЛЮХИН**


юридик фанлар доктори, профессор

Етишмаётган қимматбаҳо буюмларнинг рўйхати бехисоб. Саволлар эса жавобсиз. Ихтиёримизда шундай маълумотлар ва фактлар мавжуд бўла туриб, Н.С.Турбин ишга нукта қўйганлиги, яъни жиноятларни яширганлиги кишини ажаблантиради. Бундай тилёғла-маллик қилиш, ўз виждонига қарши бориш учун киши анчайин "удда-бурон" бўлиши керак.

бўлиб, Финляндияда ишлаб чиқарилган. Уриндиклари қора тусдаги "вельвет" матоси билан қопланган. Орқа ойнаси чет элда ишланган қуёшдан сақловчи панжара билан тўсилган. Машина салонига Японияда ишланган калькулятор, қуёшдан сақловчи кўзойнак, учта видеокассета ва йигирмата магнитофон лентаси бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

Қамоққа олинган куни машинани терговчилардан В.Р.Регада ва Р.Туктаров кўздан кечиришиб, баённома тузишда ва салон ҳамда автоматшинадаги буюмларнинг ҳақиқатан борлигини тасдиқлашади.

1987 йил ноябрда А.Рўзметов ҳақидаги ишни терговчи Р.Басеров ўзига қабул қилиб олади. У ашёвий далилларни кўздан кечирар экан, машина талаб кетилгани аниқлайди. Шу ҳақда Гдлянга батафсил ахборот беради. У ўз навбатида автомашинани тезда Рўзметовнинг хотинига қайтариш ҳақида кўрсатма беради. Сўнгра хотинини чақириб, машинани кўздан кечириш ва топшириш далолатномасини расмийлаштиришади. Мазкур ҳужжатларда радио-аппаратуралар, декорация молла-малар, қуёшдан сақловчи панжара, магнитофон йўқлиги қайд қилинади. Филдирақлар эскисига алмаштирилган. Кассеталар йўқ



эди. Машинанинг ўзини ҳам А.Рўзметов уйи олдида судраб олиб кетишди. 1988 йил 23 майда Рўзметов ўғирланган буюмларни қайтариш ҳақида Гдлян номига ариза ёзади. Аммо аризаси эътиборсиз қолдирилади.

А.Рўзметов озодликка чиқарилганидан кейин автомашинасини қайта тиклайди ва уни таъмирлашга ўз ёнидан пул сарфлайди. Ҳолбуки, бу пулни Гдлян ва унинг гуруҳи тўлаши керак эди.

Рўзметовни алдаш шу билан тугамайди. Уни қамоққа олиш вақтида уйда тинтув ўтказишиб, чет элда ишланган 56 та видеокассетани ҳам бошқа буюмлар қаторида олиб кетишади. Шундан 43 дона видеокассетани қайтаришади, у ҳам маҳаллий маҳсулот ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлган. Видеокассеталарнинг аслини ва тўлиғича эгасига қайтар олганларига сабаб, балки пала-партиш ишлатверишгандан яроқсиз ҳолга келиб қолганидир.

Биз ашёвий далилларни текширишда ниҳоятда қизиқарли ҳужжатга дуч келдик. У диққатимизни тортиди. Ҳужжат унча катта эмаслиги боис куйида келтираман: "Акт. 1986 йил 28 октябрда тузилди. Тошкент шаҳар. Биз, куйида имзо чекканлар: ССР Иттифоқи прокуратураси тергов гуруҳининг раҳбари Т.Х.Гдлян, гуруҳ штаби бошлиғи Д.С. Непомнящий, тергов гуруҳи терговчиси Ю.М. Власов ва ССР Иттифоқи прокуратураси хўжалик бўлимининг катта муҳандиси В.И.Бондаренко ушбу актни туздик шул ҳақидаким, иситиш системаси ишга туширилганидан кейин А.Рўзметовдан олинган видеомагнит ленталар солинган қороз идиш УэССР ДХК тергов бўлимининг 334-хонасида дераза олдида пол устида турган эди. Сув тегиб ивиши натижасида 13 та видеокассета бутунлай яроқсиз ҳолга келган". Шундан кейин далолатно-

ма остига имзо чеккан кишиларни сўроқ қилиш масаласи кун тартибидан турди. Гдлянни сўроқ қилишнинг иложи бўлмади. Бунда унинг депутатлик дахлсизлиги иш берди. Ю.Власовни сўроққа чақиртирдик. Терговчи Х.Жамолдоев танишиши учун унга далолатномани узатади ва қандай изоҳлайсиз, деб сўрайди. "Бу акт менга яхши таниш. Унга бошқалар қатори мен ҳам имзо чекканман. Бу 1986 йил 28 ноябрь кунимида ё йўқми, аниқ айта олмайман, лекин айти 1986 йил октябрь ойида бўлгани аниқ, меннинг хонамга Давид Семенович Непомнящий ССР Иттифоқи прокуратураси хўжалик бўлимида В.Бондаренко билан бирга кириб келди. Уларнинг қўлида шу акт бор эди, уни ҳар иккаласи ҳам имзолаб бўлишганди, аммо ўшанда Гдляннинг имзоси бормиди ё йўқми, эсимда йўқ, тунда хонада ҳеч ким йўқ пайтда иситиш системаси ёрилиб, видеокассетани сув босган, улар 13 та видеокассета яроқсиз ҳолга келганини маълум қилишди ва ҳақиқатда яроқсиз ҳолга келганлиги ҳақидаги ушбу актга имзо чеккишимиздан ишонмас қилишди. Бу одамлар ишонмаслик учун менда асос йўқ эди, шу вақдан мен актга имзо чекдим. Аслида ўша кассеталарни ўз кўзим билан кўрмаганман, уларни менга кўрсатишмади, мен сўраганим ҳам йўқ. Кассеталарга нима бўлганини билмайман. Ўша вақтда А.Рўзметов иши бўйича участка каттаси ким бўлганлиги эсимда йўқ, у кассеталарнинг ҳисоб-китобини олган бўлиши керак, албатта. Ҳозир аниқ эсимда йўқ-у аммо ўша вақтда далолатномада тилга олинган 334-хонада Д.С.Непомнящий ишлаган эди, чамамда. Ўша пайтда у тергов гуруҳининг штаб бошлиғи эди. Мен бу хонага кирганим ҳам, ўшанда иситиш батареяси олдида Рўзметов — Фоипов иши бўйича ашёвий буюмлар солинган қороз қўтига кўзим тугшанди. Аммо

айтишим керак, хонани сув босган пайтини ўз кўзим билан кўрган йўқ, шунингдек, авария қачон юз бергани ва қачон бартаараф қилинган, ким бартаараф қилгани, слесарьни чақиртишганими-йўқми, булар ҳақида ҳеч нима билмайман, яъни номлари юқорида зикр қилинган кишиларнинг илтимоси билан ушбу далолатномага имзо чекканимдан бўлак менга ҳеч нима маълум эмас".

В.Бондаренко ҳам имзо чекканини айтиди, аммо иситиш системаси ёрилиб, авария бўлганини кўрмаганини, бинобарин 13 дона видеокассета қаерга қўйиб бўлганини билмаслигини маълум қилди.

Энди Д.С.Непомнящийни сўроқ қилиш қолганди. У бирмунча муддат икром бўлмай турди, кейин ҳужжатнинг сохталлигини тўла тасдиқлади. 1986 йил 28 октябрда Рўзметовга тегишли видеокассеталарни рўйхатдан чиқариш ҳақида кўрсатма олганлигини айтиди. Сўнгра бўлган воқеани гапириб берди. "Мен мазкур далолатномани 334-хонада ўзим ишлайдиган машинкада шахсан ўзим тузганман. Қорозда қайд қилинганларнинг ҳаммаси, шунингдек, далолатноманинг ўзи ҳам тамомила сохта. Бутунлай яроқсиз ҳолга келган, ҳеч қанақа магнит лентаси бўлмаган, иситиш системасининг ёрилганлиги ҳам ёлгон, буларнинг ҳаммасини Гдляннинг кўрсатмасини бажариш учун ўзим тўқиганман. Мен тайёрлаган ушбу актни биринчи бўлиб Т.Х.Гдлян имзолади, кейин мен имзо чекдим, сўнгра Власов ва Бондаренко унга ўз имзоларини қўйишди. Улардан қайси бири биринчи бўлиб имзо чекканини эслолмайман, шунингдек, қаерда имзо қўйилганини ҳам аниқ айтмайман. Актни бошқа кўрмаганлигим учун унинг кейинги тақдирини хабарим йўқ эди. Буни сизнинг қўлингизда кўриб хайрон қолдим, чунки Гдлян уни

жиноят ишига тиркайди, деб ўйламагандим. Бунинг сохталлигини ахир биларди-ку. А.Рўзметовдан мусодара қилиб олинган 13 дона видеокассетага келсак, шунга айтишим мумкин, Т.Х.Гдлян менга А.Рўзметов видеокассеталари ҳақида далолатнома тузишим лозимлигини аниқ қилиб айтди. Мен ҳеч бир эътироз билдирмай, уни туздим. Т.Х.Гдляннинг ўша вақтда катта обрў-эътиборга эгалиги бунга сабаб бўлгандир. Мен бу далолатномани тузиш билан қилаётган ишнинг моҳиятини англаб етмаганман, дея олмайман, аммо шунга қарамай, туздим. Ҳозир шу ҳақида ўйласам, уялиб кетаман. Аммо булар иш бўлди. Энди бевосита кассеталарнинг тақдирига келсак, билмайман, Т.Х.Гдлян уларни шахсан ўзи ёки бошқа бирон кимса орқали ажратиб олганини кўрганим йўқ".

Д.Непомнящийнинг берган гувоҳликларига қўшимча қилиб шунга айтиш мумкинки, Гдлян 334-хонада сақланаётган жамики ашёвий буюмларни кўриш ва олиш имкониятига эга эди. Яна бир гап, видеокассеталарни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги акт куннинг биринчи ярмида тузилган, куннинг иккинчи ярмида эса Гдлян самолётда Тошкентдан Москвага учиб кетган. Ушанда кассеталар ҳам у билан бирга учган, қўйиб бўлган, дея фараз қилиш мумкин.

Йўқолган нарсалар фақат шу кассеталар эмас. 1986 йил 21 октябрда А. Рўзметов уйда тинтув ўтказишди. Тинтув узокқа қўзилиб, жуда кеч тугайди. Келаси куни тинтувни давом эттиришди. Х.Рўзметовани болалари билан алоҳида бир хонага қиритиб қўйишди, терговчиларнинг ўзлари эса тун бўйи бутун уйга эгалик қилишди.

Тинтувдан кейин Х.Рўзметовга мусодара қилинган қимматбаҳо буюмлар рўйхатига қиритилмаган бир қанча заргарлик буюмлари йўқ бўлиб қолганлиги маълум бўлди. Унинг Гдлян гуруҳи ва прокуратура номига берган аризаси эътиборсиз қолдирилади. Бунда гап, масалан, чет элда ишлаб чиқарилган захиралар коллекциясининг бир қисми, шунингдек, 800 сўм туррадиған 583 пробали олтиндан ясалган миллий нақш билан безалган билгаузук ҳақида борарди. Рўзметовларнинг аризасини шубҳа остига олиш ҳам мумкин, албатта, зеро, улар манфаатдор томон. Аммо бизни безовта қилган бошқа нарса эди. Тинтув ўтказилган уй бешта хонадан иборат бўлган. Тинтув ўтказиш учун беш терговчи ва уч холис ҳам келган. Терговчилардан бири машинкада протокол тузишга киришган, гувоҳлар унинг яқинида бўлиб имзо чекканини эслолмайман, шунингдек, қаерда имзо қўйилганини ҳам аниқ айтмайман. Актни бошқа кўрмаганлигим учун унинг кейинги тақдирини хабарим йўқ эди. Буни сизнинг қўлингизда кўриб хайрон қолдим, чунки Гдлян уни

(Давоми бор)

### ИЖТИМОЙ ЭЪЛОН

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

"Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, унинг натижаларини ОАВларида кенг ёритишни қўллаб-қувватлаш" мавзусида давлат гранти қўшимча танловини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

1. Аҳолининг кенг қатламларини (нурунийлар, ёшлар, аёллар ва бошқалар) жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш;
2. Маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига шарт-шароит яратиш, соғлом турмуш тарзини қорор топтиришга қўмаклашиш;
3. Ёшларнинг уюшмаган қатламларини турли спорт тўғарақларига, спорт мусобақаларига жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш;
4. Тоғли, узок ва чегара ҳудудларида аҳолини жисмоний тарбия билан шуғулланишига кенг шарт-шароит яратиш;
5. Соғлом турмуш тарзини қорор топтиришда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳалла ҳамда оиланинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;
6. Давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда турли спорт тўғарақлари фаолиятини йўлга қўйиш, эҳтиёжманд оилалар вакилларини мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланишини таъминлаш;
7. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган

кўргазмали материалларни ишлаб чиқишда ижтимоий шериклики кучайтириш;

8. Маҳаллаларда турли йўналишларда спорт ва халқ ўйинлари мусобақаларини ташкил этиш;
9. Ногиронлиги бўлган ёшларнинг спорт билан шуғулланишига турли спорт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини қўллаб-қувватлаш;
10. Соғлом турмуш тарзини қорор топтиришда ОАВ роли ва аҳамиятини кучайтириш;
11. Маҳаллаларда халқаро мусобақалар голиблари, республика чемпионолари ва спорт усталари иштирокида турли маънавий тадбирлар ташкил қилиш.

**Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

"Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини юксалтириш" мавзусида давлат гранти қўшимча танловини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

1. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини ва қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини, уларга риоя этилишини кенг тарғиб этиш;
2. Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ижтимоий шериклики кучайтириш;
3. Меҳнат қонунчилиги талабларининг бажарилиши, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан аҳоли билан очик мулоқот механизmlарини жорий этиш;
4. Уюшмаган, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга, уларни тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг турли шаклларида кенг жалб қилишга қўмаклашиш;
5. Давлат вакиллик органларининг фуқароларни кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини

таъминлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

6. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш билан ҳамкорликда эришилган ижобий натижалар барқарорлигини таъминлаш чоратадбирларига қўмаклашиш;
- Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**
1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
  2. [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
  3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
  4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
  5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 млн. сўмгача.  
Ҳужжатлар 2018 йил 26 октябрдан 28 ноябргача қабул қилинади.  
Ҳужжатлар "Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди" номига: **100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй** манзилига "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.  
Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.  
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.



Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 млн. сўмгача.  
Ҳужжатлар 2018 йил 26 октябрдан 28 ноябргача қабул қилинади.  
Ҳужжатлар "Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди" номига: **100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй** манзилига "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.  
Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.  
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

► Қисмат

Футбол бразилияликлар учун оддий ўйин эмас. Бу юрда спортнинг ушбу тури миллионлаб одамларнинг ҳаёт тарзига айланган. Уларнинг тўғра боғланиб қолишига ижтимоий тенгсизлик ҳам сабаб бўлган.

# Гарринча

## Ногирон футболчининг буюк парвози ва аянчли тақдири

Жобир ХУЖАКУЛОВ шарҳловчи

### “БҮЛАР ЭДИМ БЕЗОРИ, ҲҒРИ”

Мамлакатда аҳолининг катта қисми жуда қийин шароитда умргузаронлик қилади. Бир бурда нон топиш осон эмас. Аксарият болалар гўдаклигидан тўп ортидан югуради. Футбол — миллионларга эга бўлиш, бойшининг энг осон йўли. Бу ақида барча бразилиялик болалар онгига чуқур сингиб кетган. Аксарият бразилиялик чарм тўп усталари футболчи бўлмаганида, безори ёки банги бўлиб кетиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу икдор атомли шоирнинг “Бўлар эдим безори, ҲҒРИ” деган сатрларини ёдга солади. Чунки мамлакат нуфузи катта. Одамларга муносиб турмуш шароити яратиб беришга давлатнинг қўли етмайди. Шу сабабли бўлса керак, қийинчилик ва ҳаётнинг мураккаб синовлари остида вояга етган болалардан қўлаб футбол юлдузлари етишиб чиққан.

### АЛАМЗАДАЛИК


XX аср бошида Бразилияда футбол сиёсат даражасига кўтарилиди. Биринчи жаҳон чемпионатида мамлакат терма жамоаси финалгача етиб борди. Аммо, жаҳон кубоги мезбонлар — Уругвай терма жамоасига насиб этган. Бу аламзадалик айни кунгача

### ОТА — ПИЁНИСТА, ОНА — НОТАВОН

Таъкидланишича, у жисмоний нуҳсон билан дунёга келган. Шифокорлар боланинг юриб кетишига ҳам ишонилмаган. Ундаги нуҳсонларни тўғрилаш учун бир неча жарроҳлик операциясини ўтказиш зарур эди. Бирок, ота-

онанинг бунга имконияти етмайди. Пули бўлмаган. Шундай бўлса-да, Гарринча оёқда туриб кетган. Йигитча бир оёғи калталиги сабабли оқсоқланиб юрарди. Унинг чап оёғи ўнг оёғидан 6 см. калта эди. У кўпинча тенгдошлари орасида ана шу камчилиги сабабли кулгига қоларди. Бир оёғи калта бўлса-да, жуда тез югура олган. 6 ёшидан стадиондан “бери келмаган” болакай, кўпчиликнинг эътиборини

би чиққан рақиб футболчиси унинг кейинги дриблингни амалга ошираётган вақтда оёғига тепиб йиқитади. Бу ҳолатни кўрган “Раис-да-Серра” жамоаси мухлислари майдонга тушиб, ўз футболчиларини калтаклашади. Гарринчанинг тезкорлиги ва бир алдашда уч-тўрт рақибни ортида қолдириб кетиши ҳақидаги овоза ўша заҳоти бутун мамлакат бўйлаб тарқалади. Энди уни Бразилиянинг энг катта клублари ўз



тортади. Гарринчанинг чўққилигини майдонга тушганида ҳеч ким сезмасди.

Оиласининг аҳволи жуда ачинарли эди. Ота — пиёниста. Она — нотафон. Рўзгор абгор. Гарринча тўртинчи синфгача ўқиган. У ўқишни ва ёзишни яхши билмаслигини ҳам тан олади. Гарринчанинг опаси ва акаси болалигида оқликдан вафот этган. Эрта оламдан ўтган опаси қўшлар овозини яхши кўргани учун Манозлини “Гарринча” деб чакирарди. Гарринча футбол сирларини ҳеч бир мураббийдан ўрганмаган. У кўчада ўсган. Кўча футболда тезлик ва чаққонлик биринчи ўринда туради. Йигитча бу ишни ҳеч қандай тактик схемалар асосида қурилмайди. Бразилияда вояга етган футболчиларнинг кўпчилигида ана шу “ёввойи” услуб шаклланиган.

### ФУТБОЛ — САҢЪАТ

Бўлажак юлдуз 14 ёшида “Пау-Гранди” ҳаваскор жамоасида футболдаги дастлабки қадамларини қўяди. 16 ёшида эса катталар жамоасига ўтади. Биринчи ўйиндаёқ рақиб дарвозасини ишғол қилади. Навбатдаги “Раис-да-Серра”га қарши ўйин 0:0 бўлиб турган бир пайтда ҳужумчи ўз жарима майдончаси яқинидан тўпни олиб, рақиб жамоанинг барча футболчиларини алдаб ўтади ва жамоодошига голли пас беради. Бундан газ-

сафларига жалб қилиш ортидан тушиб қолади. Эътиборлиси, футбол ўйнашни саъят даражасига олиб чиққан йигитчанинг ҳали ҳам ҳеч вақоси йўқ эди. Масалан, “Васко да Гама”га кўриқдан ўтиш учун ялангоёқ борган. Буни кўрган клуб раҳбарлари Гарринчани қайтариб юборадилар. “Фламенго” ва “Флуминенсе” жамоалари эса чўққилигини рўқач қилиб, қайтаришади. Кейинчалик чўққ ўйинчини “Ботафого” кўригига таклиф қилишади. Кўриқда унга ўша пайтда Бразилиянинг энг яхши ҳимоячиси бўлган Нилсон Сантосни алдаб ўтиш шарт қўйилади. Йигитча бу ишни тўрт мартаба амалга оширгач, тўпни ҳимоячининг оёқлари орасидан ўтказди.

### КИМ ЭЎР: ПЕЛЕМИ, ГАРРИНЧА?

Фаолияти давомида Гарринча асосан Бразилия клубларида ўйнади. У клублар доирасида бир футболчи қўлга киритиши мумкин бўлган барча совринларга эришган. Бундан ташқари, 1958 йилда ва 1962 йилларда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган. 1962 йилги жаҳон чемпионининг энг яхши тўпураги бўлиб билан бирга энг яхши футболчиси ҳам бўлади. Уша даврда Бразилияда футбол ишқибозлари иккига бўлинади. Бир тараф Пеле қучли деса, иккинчи томон Гарринчанинг тенгсизлигини исбот-

лашга уринади. 1958 йилги жаҳон чемпионатида Гарринча ва Пеле жамоанинг асосига айланади. Ушбу чемпионатнинг дастлабки икки турида мураббий бу икки футболчини майдонга туширмайди ва яқунда жамоа маглубиятга учрайди. Бразилия халқининг маглубиятдан кейинги аҳволини тасаввур қилиб бўлмас эди. Барча штатларда аҳоли кўчада Гарринча ва Пеле суратларини кўтариб чиқади. Мамлакат раҳбарлари ҳам бу можарони ҳал этиш учун аралашшига мажбур бўлади. Шундан сўнг мураббий икки ҳужумчи ўйинга туширади. Шведияда ўтган жаҳон чемпионатида Бразилия Пеле ва Гарринчанинг беназир ўйини ва фантастик дриблинглари эвазига барча рақибларни енгиб, бош совринни қўлга киритади. Бу ҳол тўрт йилдан сўнг яна такрорланади. Яъни, 1962 йилда Бразилия Гарринча етакчилигида кучли бўлиб ўзидан сақлаб қолади.

### СЎҚҚАБОШНИНГ СЎНГИ КУНЛАРИ

Гарринча маҳорат бобида Пеледан кам эмас эди. У дунёнинг энг яхши ўнг қанот ҳужумчиси номини ҳам қўлга киритган. Пеледан фарқли ўлароқ, Гарринча футболдан ташқарида ўзини бошқача тутган. Ароқ ичиш ва айшишратга одатланган эди. Ана шу иллат унинг фаолиятига бутун умр раҳна солиб келди. Футболчининг оилавий ҳаёти ҳам кўнгилдагидек кечгани йўқ. Тўп ортидан югуриб яхшигина пул топарди. Бирок, бир аёл билан дуруст оила қурмагани боис ҳар гал уйи ва бойлигини аёлларга ташлаб кетарди. Футбол ва оиласидан айрилганидан кейин бутунлай спиртли ичимлик ичишга муккасидан кетади. Ароқ эса унинг жигарини емира бошлайди. Кадсаллиқни даъволаш учун пул топилмайди. У ёшлигида кўрган қийинчиликларини ҳаётининг сўнги йилларида ҳам

бошидан ўтказди. Ҳеч ким, ҳатто бирга тўп сурган дўстлари далда бўлиш ўрнига пиёнистандан юз ўгиришади. 53 ёшида оламдан ўтади. Гарринчани охириги йўлга кузатиш учун “Маракано” стадионида 300 000 одам йиғилади. Лекин, на Пеле, на бошқа машҳур футболчилар таъзияга келмайдилар. Гарринча ҳаёти кўпчилик учун сабоқ бўлиши керак, аслида. Чунки, бугунги кунда нафақат Бразилияда, балки бутун дунёда футбол катта маблағ устига қурилган. Катта пул футболчини йўлдан тойдириши турган гап. Аслида футбол касб эмас. У эрмак. Эрмакнинг ортидан омади келганлар маълум вақт пулдор ва одамлар эътиборидан бўлади. Вақт ўтган сари эса барчаси ортда қолади. Кеча сени кўларга кўтариб мактаганлар, эртага сендан юз ўгиришлари мумкин. Бунга буюк Гарринчанинг сўнги кунлари яхши мисолдир.

► Яқун

Ҳазил-хузул билан эълон қилганимиз (“Hurriyat”, 2018 йил 10 октябрь, 42-сон) ушбу сурат муштарийларимизда бунчалик катта қизиқиш уйғотади, кенг муҳокамаю мулоҳазаларга сабаб бўлади, деб кутмаган эдик. Фикр билдирувчилар газетамиз саҳифаларидан ижтимоий тармоқларга кўчди. Жиддий гаплардан ачиқ-аламли шарҳларгача айтилди ва айтилмоқда. Бунанинг сабаби балки муҳим сана — 21 октябрь — “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганининг 29 йиллиги билан боғлиқдир. Балки муаммонинг долзарблиги — ҳар қадамда учрайдиган тил қондаларига зид реклама ва пешлавларлардадир. Балки танловимизнинг фаройиблигидадир. Балки газетхонларимизнинг тобора фаоллашиб бораётганидир.

# Мен севаман — сен севасанми?

Нима бўлганда ҳам, муштарийларимиздан газетамизга бундай самимий эътибори учун жуда миннатдоримиз! Биз уларнинг бу меҳрини доим юксак қадрлаймиз ва келажақда ҳам шундай бўлиб қолади. Биз, “Hurriyat” газетаси тахририяти жамоаси учун Сизнинг эътиборингиздан юксак муқофот йўқ, қадрли газетхон!

Эслатиб ўтаман, суратнинг изоҳида шундай сўзлар ёзилган эди: “Ушбу фаройиб сурат пойтахтимизнинг қоқ маркази — улуг адиб Абдулла Қодирий номи билан аталувчи кўчада олинган. Ким унга энг қизиқарли изоҳ топиб, тахририятимизга жўнатса, бир йўла учта ажойиб соврин билан сийланади:

1. Қизиқарли изоҳи газетамизда, сайтимизда ва ижтимоий тармоқларда чоп этилади.
2. “Hurriyat” газетасини 2019 йилда текин ўқийди. Бепул обуна қиламиз.
3. Бир бутилка...

Шашанинг ичида нима борлиги ҳозирча сир бўла қолсин. Лекин танловда голиб чиққан маъна қилиши аниқ!..”

Тошкент шаҳри, Учтепа туманидан хат йўллаган **Адолат Файзиева** фикрича: **“Чаласаводларча ёзилган реклама ва эълонларни пойтахтимизнинг исталган кўчасидан топса бўлади. Амалдаги қонунлар доирасида чора кўрилса, бундай тадбиркорларнинг масъулияти ошармиди”.**

\*\*\*

**“Рекламада “PLOW”нинг узоклиги 2563 см. деб аниқ кўрсатилган. “PLOWпазлар” шу қадар аниқлик ва ҳафсалани “палов” сўзини тўғри ёзишга ҳам сарфлаганларида, одамларнинг қарғишига қолмас эди”,** деб афсусланади газетамизнинг доимий мухлиси ва фаол муаллифи наманганлик журналисти **Орифжон Жўраев**.

\*\*\*

Жиззах шаҳри, “Сайилжойи” маҳалласида яшовчи **Ҳақимжон Тилабовнинг** тахминича: **“Қатор турган хашаматли машиналарга қараб, палови мазали экан, деб ўйламанг. Улар бу ерга суратдаги ЮРАКЧАни забт этиш учун келишган”.**



Фаргона вилояти, Кува туманидаги “Катта Деҳқонобод” маҳалласида яшовчи **Адхамжон ота Абдусамиев** ўз изоҳини шеърга солибдилар:

**“Сен севавер “PLOW”ни, Менга ПЛОВ яхшироқ. “2563 см” юргандан, Оч ўтирган маъқулроқ”.**

\*\*\*

Навоийлик газетхон **Насиба Тўлаеванинг** изоҳи ҳам шеърга жо бўлмиш:

**“Инсофни унутиб, “PLOW” пиширсанг ҳам, Ўзбек тилин бузиб, ҳаддан оширсанг ҳам, Чаласавод рекламандан энсам қотар, Гарчи ундан миллион-миллион туширсанг ҳам”.**

Шундай қилиб, **Насиба Тўлаева** энг яхши изоҳ муаллифи сифатида бир йўла уч совринни қўлга киритди. Табриклаймиз!

\*\*\*

Дарвоқе, газетанинг чиқишидан сўнг “PLOWсеварлар” рекламасида бирор ўзгариш бўлдими? Тўғриландими? Йўқ!

Афтидан, Тошкент шаҳар ҳокимлигида газета ўқишмайди.

**«FERGANA TORG INVEST» МЧЖ**

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига **ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

**АТБ “O‘ZSANOATQURILISHBANK” Қиргули филиалига қарашли ГБАСПГ NEXIA 21,6 GLE русумли, 2013 йилда и/ч, д/р: 40 502 GBA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 45 428 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2018 йилнинг 7 декабрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабномалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2018 йил 5 декабрь соат 16:00.

Талабгорлар диққатига! Автотранспорт воситаси 2018 йилнинг 7 декабрь кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2018 йилнинг 14 ва 28 декабрь кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган закатат пулини «FERGANA TORG INVEST» МЧЖнинг «Трастбанк» Фаргона филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим:

Ҳ/Р: 2020 8000 3006 0628 0001.  
МФО: 01123. СТИР: 303876901.  
Манзил: Фаргона шаҳар, А.Темур кўчаси, 45-уй.  
Тел: +99890-274-00-79.

24/18 Гувоҳнома № 002820

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан “O‘zbekiston 24” ДУК муҳаррири Назарова Хуршидабону Олимовнага 2017 йил 22 июнда берилган 5433 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги туфайли

**ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛСИН.**

68/18